

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

Бухоро озиқ овқат ва енгил саноат технология институти

«Менежмент» кафедраси

**Менежмент фанидан амалий машғулотларни бажаришга
доир укув куланма**

БУХОРО – 2010 йил

Муаллифлар:

кат.ўқит. Жумаева С.К.
кат.укит. Артикова Д.М.

Такризчилар:

Бухгалтерия ва аудит ассоциацияси раиси., и.ф.д.
Хаитов С.С.
Бух ОО ва ЕСТИ «Менежмент»
кафедраси доценти Улашев Х.А.

Услубий қўлланма «Менежмент» кафедрасининг _____ йилдаги _____-сонли
мажлисида муҳокама килинган.

Услубий қўлланма институт илмий услубий кенгашининг _____ сонли
_____қарори билан чоп қилишга рухсат этилган.

Иқтисодий йўналишлари бўйича таълим олаётган кундузги бўлим талабалари
учун тузилган ушбу услубий қўлланманинг асосий вазифаси талабаларга
бошқариш санъати илмини, инсонларга таъсир этиш усулларини бошқарув
қарорларини қабул қила олиш ва уларни бажаришни ташкил этишни ўргатишдир.

К И Р И Ш

Республикада муваффақиятли иқтисодий ислохотларни ўтказиш учун менежмент амалиёти кўникмаларини эгаллаган одамларни тайёрлаш керак. Шунинг учун бозор талабаларига кўра пухта менежерларни тайёрлаш вақти келди. Замонавий менежер нафақат «Менежмент» фанининг назарий қисмини билиши керак, балки уни амалиётда қўллай олиши керак. Масалаларни илмий, бозор эҳтиёжлари талабига кўра ҳал этиш лозим бўлади. Хўжалик юритиш самарали бўлиши керак.

Менежментни фақат маърузалар эшитиб ўрганиб бўлмайди, балки машғулотларга онгли равишда қараш керак.

Менежмент бўйича амалий машғулотлар ўқитишнинг жамоа шакли бўлиб, бу усулда ижодкорлик, фаоллик устивор туради. Менежментнинг амалий машғулотлари вазифасига ўқувчиларга бошқариш санъати кўникмалари, хўжаликни юритишда инсон омилига юксак эътибор, бошқарув қарорларини қабул қилиш киради. Амалий машғулотда фикрлаш, ўйлаш, ишонч, кўникма ҳосил қилиш ўрганилади.

Ўқитувчи бошчилигидаги анчагина мураккаб масалаларни ҳал этиш менежмент асосларини янада пухтароқ ўрганишга, фаол фикрлаш ва ҳаётий қарорлар қабул қилишга ундайди.

«Менежмент» фанидан услубий кўрсатмада назарий билимларни янада пухтароқ ўзлаштириш учун амалий топшириқлар таклиф этилади. Услубий кўрсатмада келтирилаётган тестлар булғуси мутахассисларга ўзини-ўзи англаш, ғайратини синаб кўриш имконини беради. Ишлаб чиқариш ҳолатлари ва ишбоп ўйинлар маркетингни ўрганиш, мустақил бошқарув қарорлари қабул қилиш, кадрлар билан ишлаш, корхона хўжалик фаолиятини таҳлил этиш, бизнес-режани ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, фойдани тақсимлашга оид билимларни ўрганишга имкон беради. Уларнинг ҳаммаси назария ва амалиёт бирлигини таъминлайди.

№	Мавзуларнинг номи	Амалий машғулот
1.	Менежмент фанининг предмети ва вазифалари.	2
2.	Ташкилот ва унинг муҳити.	2
3.	Менежмент назариялари, мактаблари ва уларнинг ривожланиш босқичлари.	2
4.	Менежментнинг функциялари, услублари ва технологиялари.	2
5.	Ташкилотнинг ички маданияти ва раҳбарнинг ундаги роли.	2
6.	Менежерлар фаолиятини ташкил этиш.	4
7.	Менежментнинг ташкилий тузилиши.	4
8.	Менежментда ахборот ва коммуникациянинг роли.	2
9.	Қарорларни қабул қилиш ва такомиллаштириш йўллари.	2
10.	Режалаштириш асослари.	2
11.	Менежмент стратегияси.	2
12.	Менежментда назорат ва мотивация.	2
13.	Персонални бошқариш.	2
14.	Руҳий зўриқишни бошқариш.	2
15.	Менежмент самарадорлиги.	2
16.	Ишлаб чиқариш менежменти.	2
17.	Соҳага оид бошқарув тамойиллари.	2
18.	Маркетингни бошқариш.	2
	Жами:	40

Амалий машғулотлар, уларнинг таркиби ва ажратилган соатлар миқдори.

Мавзу 1. Менежмент фанининг предмети ва вазифалари. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. «Менежмент» тушунчасига таъриф беринг.
2. Менежментнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Менежмент қандай вазифаларни бажариши лозим?
4. Менежмент объекти ва субъекти деганда нима тушунилади?
5. Менежмент фани қандай усул(метод)лардан фойдаланади?
6. Менежментнинг асосий мақсадлари нималардан иборат ва у қандай талабларга жавоб бериши керак?
7. Менежмент фани қандай фанлар билан алоқадор?

Таянч иборалар: менежмент, менежер, тадбиркор, бошқарув, бошқарув услублари, менежмент вазифалари, менежмент мақсадлари, умумий (стратегик)

мақсадлар, махсус мақсадлар, инновация, маркетинг, харажат, наф, баҳо, бошқарув муносабатлари.

Мавзуга оид тестлар.

1. Менежмент жараёнинг боскичларини айтинг?

- а) рахбар ва бошқарув аппаратнинг мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари,
- б) мақсадни аниқлаш, тизим аволини аниқлаш, бошқариловчи тизимига ҳақиқий таъсирни кўрсатиш,
- в) рахбарнинг ахборот-таҳлилий иши,
- г) рахбарнинг ташкилий иши.

2. Бошқарув жараёни боскичларини аниқланг:

- а) таҳлилий иш, мақсадга мувофик,
- б) мақсадни, ходисани, муаммонинг ечимини аниқлаш
- в) ахборот ишлари, ҳаракат вариантларини танлаш,
- г) ташкилий ва амалий иш.

3. Бошқариш даврларини аниқлаш:

- а) мақсадни, ҳолатини, муаммони аниқлаш,
- б) таҳлилий, ахборот ва ташкилий ишлар,
- в) олдиндан мақсадни аниқлаш,
- г) вазият, муаммо, эчим .

4. Менежмент функциялари – бу

- А) Ушбу категориянинг амалда ўзини намоён этиш шакли.
- В) унинг вазифларининг йигиндиси
- С) лавозимларга юклатиладиган ваколатлар
- Д) мақсадларга эришишдаги ҳаракатлар мажмуи
- Е) раҳбариятнинг вазифалари


5. Менежментнинг ташкил этиш функцияси – бу

- А) ташкилот истиқболини ижодий белгилаш
- *В) бошқарув поғоналари ва функционал соҳаларининг ўзаро муносабатларидаги узвийлигини таъминлаш
- С) корхона ва алоҳида шахснинг мақсадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб қилиш жараёни.
- Д) иш натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш
- Е) ишловчиларни рағбатлантириш.

6. Менежмент – бу

- А) инсонлар фаолиятини бошқариш
- В) ташкилотни илмий-техник ривожлантириш
- С) касб
- Д) санъат

Мавзуга оид кроссворд.



Энига: 1.товар ёки кўрсатилган хизматлар тўғрисида холис ахборот.

2.узюкка мулжалланган режа.

3. тайёргарлик ишларини олиб бориш жараёни.

Буйига: 4.бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш тадбирлари тизими.

5. товарларга куйиладиган белги.

6. олди-сотди жараёни.

Мавзуга оид масалалар.

1. Масала. Куйидаги ҳолатларда бошқариш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган кийинчиликларни тушунтириб беринг.

А) ташкилот зарар куриб фаолият кўрсатмоқда, лнкин барча ходимлар иш хакини аввалиги йил даражасида олмоқдалар.

Б) ташкилотнинг йиллик фаолият режаси ҳар бир ходимга етказилмаётир.

2. Менежментнинг жараён ва функциялари.

Терминларни танлаш: А – устундаги ҳар бир терминга, Б – устундаги мос таърифни танланг.

А	Б
1. Менежмент жараёни	А) бошқариш фаолиятини бажариш тартибига куйидагилар киради: а) мақсадни аниқлаш, муаммони куйиш ва масалани ечиш.
2. Технология	Б) Ахборот ишлари, таҳлилий иш, ҳаракат вариантини танлаш; ташкилий-амалий иш.
3. Менежмент жараёни боскичлари	В) куйилган, мақсадгаэришиш учун кишиларнинг ҳамкорликдаги келишилган фаолияти бўйича бошқарув аппарати ва раҳбарнинг

	мақсадли ҳаракатлари мажмуаси.
4. Менежмент жараёни боскичлари	Г) нима қилинганлиги, қандай қилинганлиги, қим томонидан ва қай тартибда қилинганлиги.
5. Менежмент операциялари	Д) раҳбар ва бошқарув аппаратининг бошқарув жараёнини кетма-кет ва изчил уюштиришдаги оддий фаолияти.
6. Менежмент жараёнини амалга ошириш усуллари	Е) ахборот-таҳлилий ва ташкилий иш.
7. Менежмент функциялари	Ж) бошқарув бўйича маълум вазифалар ечимига йўналтирилган иш турлари йигиндиси.
8. Функционал таҳлил	З) аниқ маънога эга бўлган, бошқарув меҳнатини тақсимлаш натижаси.
9. Менежментнинг асосий функциялари	И) ҳар бир вазифа бўйича иш ҳажмини белгилаш, бошқарув ходимлари сонини аниқлаш, бошқарув тизимини лойиҳалаштириш учун асос бўлади.
10. Менежментнинг аниқ функциялари.	К) ҳар бир корхона ва ҳар бир бошқарув даражасига хос: маркетинг, бизнес-режа, ташкил этиш, тартибга солиш, рағбатлантириш, ҳисоб ва назорат.

Менежмент предмети, вазифаси ва мазмуни.

Атамаларни танлаш: А – устундаги ҳар бир атамага, Б - устундаги таърифни танланг. Натижани биргалашиб муҳокама қилинг.

А	Б
1. Бозор	А) Диалектик аниқ, тарихий, тизимли жойлашиш, тизимли таҳлил ва бошқалар.
2. Бозор мақсади	Б) Ижтимоий ва табиий фанлар
3. Маркетинг	В) Бошқарув қонунларини, асосларини ва муносабатларини ўрганиш.
4. Менежмент	Г) Фаолиятнинг махсус тури, инсоний билимлар соҳаси, бошқарув вазифаси.
5. Менежер	Д) Маълум инсонлар катлами, бошқарув ишларини амалга оширувчи ижтимоий катлам.
6. Менежмент предмети.	Е) Алоҳида бозор муносабатлари ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмолчини боғловчи ахборотлар оқими мажмуи.
7. Товар	Ж) Бозор иқтисодиётини бошқариш учун керак бўлган бирор мақсадга йўналтирилган ҳаракатларнинг асос ва назарияларни қайта

	ишлаш ва шакллантириш.
8. Менежментнинг асосий вазифаси.	З) Истеъмолчи талабларига жавоб берувчи ижтимоий йўналтирилган иқтисодни яратиш.
9. Фаннинг усули	И) Товар харидорларининг мажмуи.
10. Менежмент ва бошқа фанлар	К) Зарурат ёки эҳтиёжни кондира оладиган барча нарсалар.

1- илова

ГУРУХ БИЛАН ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири

- Ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- Берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- Ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- Ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- Гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари мумкин;
- “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки қутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.

2- илова

1. Харажат, наф ва баҳонинг фойдага таъсирини аниқланг ҳамда тушунтиринг..
2. Менежментнинг таркибий тузилишини шакллантиринг.
3. Бошқарув муносабатлари бўйича схема тўзинг.
4. Мавзуга оид бта тест тўзинг.

3- илова

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳ	1- топшириқ	2- топшириқ	3 топшириқ	4 топшириқ	Баллар йиғиндиси
	(1.0)	(1.0)	(1.0)	(2.0)	(5.0)
1					
2					
3					
4					

Мавзуга оид саволлар.

1. Менежмент жараёнини босқичларини таҳлил килинг.
2. Менежмент вазифалари ва унинг турларини тушунтиринг.
3. Бизнес режа нима.
4. Менежментнинг бешта умумий вазифасини таҳлил килинг.
5. Менежмент операцияларига тавсиф беринг.

Мавзу 2. Ташкилот ва унинг муҳити. 2 соат**Муҳокама учун саволлар:**

1. Ташкилот деганда нима тушунилади? Гуруҳ ташкилот бўлиши учун қандай талабларга жавоб бериши керак?
2. Расмий ва норасмий ташкилотларнинг қандай фарқлари мавжуд?
3. Ташкилотнинг қандай асосий ички ўзгарувчилари мавжуд?
4. Мураккаб ташкилотларнинг умумий хусусиятларини айтинг.
5. Ташкилот структураси нима? Унинг қандай концепциялари мавжуд?
6. Ташкилотда вазифа ва технология тушунчаларига изох беринг.
7. Одамлар омилининг бошқарувда роли қандай?
8. Ташкилот ички ўзгарувчиларининг ўзаро боғлиқлиги нимада?
9. Нима учун раҳбарият ички ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлигини англаши керак?
10. Ташқи муҳитнинг қандай хусусиятлари мавжуд? Уларни тавсифланг.

Таянч иборалар: мақсад, структура, ташкилот структураси, меҳнат тақсимооти, назорат соҳаси, ташкилотнинг ички муҳити, ички ўзгарувчилар, вазифа, технология, кўп звеноли технология, воситали технология, интенсив технология, одамлар, бевосита таъсир муҳити, билвосита таъсир муҳити.

Мавзуга оид тестлар.**1. Халоллик деганда нимани тушунасиз?**

- А) имкониятлардан иборат бўлиб, бирор ишдаги зарурий маҳорат даражасининг цлчови,
 б) одамларнинг билиш жараёни билан боғлиқ булган эҳтиёжлар хиссининг намоён бўлиши,
 в) иш юзасидан жамоа аъзолари билан муносабатларнинг белгиланган шакл ва тартиблари,
 д) ишбилармонлик, талабчанлик, ишдан қониқиш ҳосил қилиш ва инсонларга ҳақиқатни айта билиш,
 г) тўғри жавоб йўқ.

2. Онг..... воситаси бўлиб хизмат қилади.

- А) бошқа одамлар томонидан инсонни бошқариш,
 б) инсонни ўзи томонидан бошқариш,
 в) меҳнат жамоаси томонидан инсонни билиш,
 г) ўзини –ўзи билиш.

3. Ўзини –ўзи англаш... воситаси бўлиб хизмат қилади.

- А) инсонни ўзи томонидан бошқариш,
 б) бошқа одамлар томонидан инсонни бошқариш,
 в) ўзини –ўзи баҳолаш,
 г) меҳнат жамоаси фаолиятини баҳолаш.

4. Аниқ шахсий мақсадларга эга булган инсон.

- А) ўзига ишонган,
 б) ўз мақсадлари муваффақиятини режелаштирмайди,

- в) уз ривожланиш имкониятларини ўрганади,
- г) куйилган мақсадлар йўналишини ўзгартиришга мойил.

5. Аниқ бўлмаган шахсий мақсадларга эга бўлган инсон.

- А) олдида тўрган масалаларни ойдинлаштириш ,
- б) уз ҳаракатларига катъий риоя қилади ,
- в) уз имкониятларини баҳолашга боъэктив ёндашади,
- г) уз мақсадларининг ютишни режалаштирмайди.

Мавзуга оид масалалар.

1. Масала. Куйидаги ҳолатларда қайси ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:
 - А) функционал бўлим жамоасида ёмон руҳий- ижтимоий ҳолат мавжуд бўлиб қолса
 - Б) Бўлим бошлигининг кул остидагилар билан ўзаро муносабатлари ёмонлашади.
 - В) маиший ва меҳнат шароитларининг талабга жавоб бермаслиги оқибатида ташкилотда ходимларнинг кунимсизлиги кучайди:
 - Г) Янги ташкил қилинган функционал бўлим ходимларини шакллантириш.

Мавзуга оид саволлар

- 1.Ташкилотни бошқаришда мансаб ва таъсир этиш атамалари нимани англатади.
- 2.Лавозим даражаси билан мансабнинг ҳажми орасидаги боғлиқликни тушунтиринг.
- 3.Шахсий мансаб нимани билдиради.
- 4.Ташкилотда мансабнинг манбаларини тушунтиринг.
- 5.Ташкилотда мансабнинг шахсий таъсир этиши нимани англатади.
- 6.Сардорликнинг мазмуни ва моҳияти нимада.
- 7.Раҳбарнинг одатларига таъриф беринг.
- 8.Мослашувчан раҳбар деганда нимани тушунаси.

Мавзу 3. Менежмент назариялари, мактаблари ва уларнинг ривожланиш босқичлари. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Бошқариш таълимотидаги тўртта йўналиш тўғрисида нималар дея оласиз?
2. «Илмий менежмент» мактаби ва Ф.Тейлор таълимотининг моҳияти нимада?
3. «Илмий менежмент» мактабининг намояндаси Г.Эмерсон қайси принципларни илгари сурди?
4. «Мумтоз менежмент» ва «Инсон муносабатлари» мактабининг моҳиятини тушунтиринг.
5. «Инсон муносабатлари» мактабининг намояндаси Дуглас МакГрегорнинг «Х» ва «У» назарияси тўғрисидаги фикрингиз?
6. Инсон ресурслари назарияси қачон юзага келди? Ундаги вакиллар номини келтиринг ва уларнинг нуқтаи-назарини тушунтиринг.
7. Бошқарувнинг эмпирик таълими қачон пайдо бўлди? Унинг асосий қоидалари нималардан иборат?
8. Қандай учта назарияни битта ном билан «менежментнинг технократик назариси» деб аташ мумкин?

9. Индустрал жамият назариясининг асосий белгиларини айтинг.

Таянч иборалар: Илмий менежмент, инсон муносабатлари назарияси, инсон ресурслари назарияси, Х(икс) назарияси, У(игрик) назарияси, иқтисодий одам, бихейвиоризм, эмпирик, технократик назария, индустрал жамият назарияси, Элит назарияси.

Мавзуга оид тестлар.

1. Менежментнинг классик мактаби асосчилари ким?

- а) Э.Мейо, Д.Муни, Г.Саймон,
- б) А.Фаёль, Г.Черч, Г.Грант, Ф.Тейлор
- в) П.Дракер, Р.Дэвис, Д.Миллер,
- г) Д.Мару, Г.Сулаймон.

2. Кимлар мумтоз ёки маъмурий менежментнинг намоёндалари булган

- а) Саймон Г, Друкер П, Дейл Э ва бошқалар;
- б) Мэйо Э, Лайкерт Р ва бошқалар;
- в) Тейлор Ф, Эмерсон Г, ва бошқалар;
- г) Файол А, Вебер М ва бошқалар;
- д) а+г

3. Кимлар «Инсоний муносабатлар» мактаби (1950 йилдан хозиргача) нинг намоёндалари булган?

- а) Тейлор А, Эмерсон Г ва бошқалар;
- б) Файол А, Вебер М ва бошқалар;
- в) Мэйо Э, Лайкерт Р ва бошқалар;
- г)) Саймон Г, Друкер П, Дейл Э ва бошқалар;

4. Х (икс) ва У (игрек) назариясининг намоёндаси ким?

- а) америкалик мухандис Ф Тейлор;
- б) америкалик иқтисодчи Г Эмерсон;
- в) америкалик олим Д. Мак- Грегор;
- г) Француз олими А. Файол;
- д) америкалик менежер Г. Форд.

5. Уларнинг қайси бири қандай мактабга тегишли эканлигини аниқланг:

- Э.Мейо, Д.Муни, Г.Саймон, А.Фаёль, Г.Черч, Г.Грат, Ф.Тейлор, ПюДракер, Р.Дэвис, Д.Миллер, Д.Мару,
- а) классик мактаб,
 - б) янга мактаб,
 - в) инсоний муносабатлар мактаб,
 - г) эмприк мактаб.

6. Қайси рус классик олим менежмент бўйича Қандай ишлаш керак: деган асарлар ёзилган:

- а) П.А.Попов,

- б) О.А.Ерманский,
- в) А.К.Гастев,
- г) П.М.Керженцев.

7. Вақт учун кураш» асарининг муаллифи ким?

- а) А.О.Ерманский,
- б) П.М.Керженцев,
- в) А.К.Гастев,
- г) Г.Форд.


Мавзуга оид масалалар

Менежмент назарияси ва амалиётини ривожлантириш.

Терминларни танлаш: А- устундаги ҳар бир терминга, Б- устундаги мос таърифни танланг.

А	Б
1. Менежмент классик мактабининг намоёндалари	А) Р.Аккоф, Клейн, В.Лю ва бошқалар менежментга аниқ фанлар апаратини ва усуллари кириштиришга ҳаракат қилмоқда.
2. Инсоний муносабатлар мактабининг намоёндалари	Б) Э. Майо, Ф. Ротлисберг, Ж. Муни, Д. Мак Грегор ва бошқалар.
3. «Эмперик» мактаб намоёндалари	В) «Қандай ишлаш керак» «Меҳнатни ташкил этиш ва нормаллаштириш» «Меҳнат кўрсатмалари»?
4. «Янги» мактаб намоёндалари	Г) Ф.Тейлор, Г. Эмерсон, Г. Черч, А.Файоль, Г. Форд, Г. Гильберд, Л. Урвик М. Вебер ва бошқалар.
5. Ф. Тейлорнинг энг машҳур асарлари	Д) «Нот» «Ташкил этиш тамойиллари» «Вақт учун кураш», «Уз-узини бошқариш ва бошқалар»
6. А.К. Гастевнинг машҳур асарлари	Е) «Бошқаришни ташкил этиш», «Меҳнатни ташкил этиш», «Бошқариш техникаси», «Хўжалик бошқаруви»
7. П.И. Керженцевнинг энг машҳур асари	Ж) «Корхона илмий бошқариш асослари», «Бошқаришни илмий ташкил этишнинг усуллари ва тамойиллари»
8. Россияда чоп этиладиган менежмент саволлари бўйича журнал	З) Э. Мэйо, Г.М.Эмерсон, Г.Черч, М. Муни, Аккоф ва бошқалар
9. «Унутдорликнинг 12 принциплари» асарининг муаллифи ким.	И) Ф. Ротлисберг, В. Люс ёки Г. Мак, Грегор принциплари асарининг муаллифи ким?
10. Бошқарувни ташкил	К) П. Дракер, О. Девис, А. Ньюман, Д. Миллер

		M				
		e				



- 13

«Менежмент»

1. Илмий
2. Тейлар.
3. Саймон.
4. Мейо.
5. Менежер.
6. Инсон муносабатлари
7. Вебер
8. Бизнес
9. Аудит

Мавзуга оид саволлар.

1. Кимлар илмий менежментнинг (1885-1920) намояндалари бўлган?
2. Нималар Ф.Тейлорнинг диққат марказида турарди.
3. Г.Эмерсоннинг диққат марказидачи?
4. Х (икс) ва У (игрек) назарияси намояндаси ким?
5. Х (икс) назариясига кўра ёлланма ходим қандай бўлади?
6. У (игрек) назариясига кўра-чи?
7. Соҳибқирон А.Темур давлат ва жамиятни бошқаришда нечта ижтимоий – сиёсий гуруҳга таянган?
8. А.Темур эътиқод қўйган, тинчликсевар ва раиятпарвар инсон Зайнулдин Абубакр Тойбодий Темурга мактуб ёзиб, унинг салтанат юмушларини бошқаришда қандай ишларни тавсия этади?
9. Менежментнинг классик таълими Ф.Тейлор назариясини тушунтириб беринг ?
10. А.Фейлор қандай янги бошқарув қоидаларини ишлаб чиқди ?
11. Ахлоқ таълими фани қачон юзага келди ?
12. Бошқарувни империк таълими нима учун уз номини олган ?
13. Бошқарув фани таълими уз ичига қандай ёндашувларни камраб олди ?
14. Инсоний муносабатлар мактабининг моҳияти нимада ?
15. Тизимли ва замонавий менежментнинг моҳияти нимада ?

Мавзу 4. Менежмент функциялари, услублари ва технологиялари. 2 соат***Муҳокама учун саволлар:***

1. Функция нима? Бошқариш функцияси деганда нимани тушунасиш?
2. Бошқариш функциялари қандай туркумланади?
3. Менежментда тизимли ёндашув ва комплекс ёндашувни қандай тушунасиш?
4. Бошқарувнинг қандай услублари мавжуд? Уларнинг бир-биридан фарқини айтинг.
5. Бошқарувнинг асосий инструментлари тавсифини беринг.
6. Ишловчиларга таъсир кўрсатишнинг қандай инструментлари мавжуд?
7. Бошқарув технологиялари нима ва уларни менежментда қандай қўллаш мумкин?
8. Мақсадлар бўйича бошқариш ва натижалар бўйича бошқариш технологиялари ўртасидаги фарқ нимада?

Таянч иборалар: менежмент жараёни, мақсад, ҳолат, муаммо, ахборот, режалаштириш, ташкил этиш, назорат, мувофиқлаштириш, мотивация, менежмент функцияси, менежмент услублари, тизимли ёндашув, комплекс ёндашув, моделлаштириш, иқтисодий-математик услуб, тажриба ўтказиш услуги, социологик тадқиқотлар услуги, бошқарув технологиялари, менежмент инструментлари.

Мавзуга оид тестлар.

1. Бошқарув функцияси деганда:

- а) у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган фаолият тушунилади;
- б) корхонанинг моддий- техника базасини яратишга қаратилган фаолият тушунилади;
- в) ходимларни корхонанинг режасини бажаришга сафарбар қилишга қаратилган фаолият тушунилади;
- г) нотўғри жавоб йўқ.

2. Қуйида қайд қилинганларнинг қайси бири бошқариш функцияси ҳисобланади?

- а) режалаштириш, ташкил этиш;
- б) назорат ва рағбатлантириш;
- в) тартибга солиш ва мувофиқлаштириш;
- г) барча жавоблар тўғри.

3. Қуйида қайд қилинган функцияларнинг қайси бири бошқаришнинг иқтисодий функциясига киради?

- а) меҳнат шароитини яратиш;
- б) ходимларни инсоний руҳда тарбиялаш;
- в) маркетинг хизматини уюштириш;
- г) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Гуруҳларда ишлаш учун топшириқ.

1 гуруҳга таҳлил учун ҳолат.

«Мазмуни бўйича зерикарли ишнинг ўзгартирилиши»

1985 йилнинг баҳор фаслида Чикагодаги Биринчи Миллий Банкнинг кафолат хатларини ёзиб берувчи бўлими ходимлари анкета тўлдиришди, унда уларнинг ишдан қониқиш даражаси аникланаётган эди. Анкета натижалари шуни кўрсатишдики, 80 % гача бўлган ходимлар ўзларининг ишларидан қониқмас эдилар. Раҳбариятни ҳам бўлимнинг паст унумдорлиги саросимага туширарди, бундан ташқари мижозлардан тез-тез ишдаги кечикишлар ва камчиликлар борасида шикоятлар келиб тушарди.

Ташкилий масалаларни ривожлантирувчи мутахассис ёрдамида ходимлар шуни аниқладиларки, уларнинг ишдан қониқмасликларининг сабаби конвейердаги ишни эслатадиган фақат қоғоз билан ишлаш бўлиб ҳисобланади. Ходимлар шуни билганларки, улар кафолат хати камида 10 киши томонидан тайёрланадиган меҳнат жараёнида ишляптилар ва уларнинг ҳар бири бунга ўз ҳиссасини қўшаяпти ва бу ҳисса бошқаларникига тенг эмас. Масалан, бир ходима фақатгина телетайп лентасини қўйиш билан шуғулланади.

Ходимлар мутахассис-маслаҳатчига шикоят қилишди, яъни вазифалар шунчалик тақсимлаб қўйилгандики, уларнинг ўзлари ишнинг умумий мазмунини камдан-кам тушуниб етишарди. Аммо улар шуни билишардики, бундай тақсимланган ишнинг жараёни нафақат секин борарди, балки қимматга ҳам тушарди ва бўлимда ҳужжатларни тайёрлаш пайтида юз берадиган хатоликларнинг кўпайишига ҳам олиб келарди. Улар шунга ишонишардики, агар ишнинг мазмуни қайта кўриб чиқилса, иш унумдорлиги ва сифати яхшиланиши мумкин.

Шундан сўнг бир неча ойлар давомида ва барча ишчилар билан биргаликда ҳамма вазифа-операциялар кўриб чиқилди, кўпгина алоҳида бажарилган вазифалар бирлаштирилди, бу эса масъулиятнинг юқори даражали тўлиқ циклини яратишга имкон берди. Ходимлар ўз малакаларини яхшилаш мақсадида қайта тайёрлаш курсларидан ўтдилар ва шундан сўнг иш ҳақларининг ошиши ишга бўлган жавобгарликнинг янги даражасини кўрсатиб берди. Бир йилдан сўнг эса Чикаго Биринчи Миллий Банки фойдалилик, унумдорлик, мижозлар қониқиш даражасининг анчагина кўтарилганлиги ва ходимларнинг юқори меҳнат ахлоқи тўғрисида ҳисобот бера бошлади.

САВОЛЛАР:

1. Кафолат хатлари тайёрловчи бўлимдаги ҳар бир ходим ишининг мазмунини кўриб чиқиш бўйича ўтказилган чора-тадбирлардан олдин ва сўнг вазифаларни қандай қилиб характерлаш мумкин?
2. Кафолат хатлар тайёрловчи бўлимида ишлайдиган ходимларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларининг қанчалик муҳимлигини муҳокама қилинг.
3. Бўлимнинг мақсадлари ва технологиялари ўзгардими?

2-гурӯҳга таҳлил учун ҳолат

«Компьютер ишлаб чиқариш тармоғида ҳокимиятнинг қўлланилиши»

Билл Гейтс, эҳтимол, персонал компьютерлар ишлаб чиқариш тармоғидаги энг нуфузли одамлардан бири ҳисобланади. 1980 йилда «Microsoft» компаниясига «IBM» корпорацияси ўзининг янги персонал компьютерлари учун операцион тизимни ишлаб чиқариш тўғрисида мурожаат қилди. Ўзининг дастур тузувчиларининг ҳаракатлари туфайли «Microsoft» «IBM» корпорациясиги ҳозирги пайтда машҳур бўлган MS-DOS дастурини таклиф қилди. MS-DOS дастури «IBM»нинг барча персонал компьютерлари ва уларга мувофиқ келадиган компьютерларда қўлланилиб келинмоқда.

Оқибатда «Microsoft» компьютер тармоғида биринчилар қаторига чиқиб олди. Компания «IBM» ва «Apple» компьютерларида профессионал дастур тузувчилар қўллайдиган математик таъминотни етказиб берар эди. Билл Гейтс раҳбарлиги остида «Microsoft» компанияси персонал компьютерлар тармоқларини ҳамда периферия ускуналарини бошқара оладиган дастурлар учун стандартларни белгилаб олди. Айни пайтда «IBM» персонал компьютерларининг иккинчи авлоди учун операцион тизим ишлаб чиқиладиган эди.

Келажакда катта бозор ҳиссасига эга бўлишни кафолатлайдиган янги стандартларни ўрнатиш стратегияси «Microsoft» ни математик таъминотни ишлаб чиқиш бўйича АҚШ дага энг йирик компания қилиб қўйди, Гейтс эса миллиардерга айлантирди. «Wall Street Journal» журнаliga мувофиқ «бу стратегия

истисно тарзда жавоб Гейтснинг кучли иродасига, шунингдек кўндириш, ишонтириш, баъзан эса ўзининг йирик мижозларини кўрқитишга асосланади ва у ҳар бир қадамда «Microsoft» хизматларидан фойдаланган жуда ажойиб персонал компьютерларни сотиб олишга мажбурлаган».

Билл Гейтс қўллаган қаттиқ қўллик тактикаси тўғрисидаги афсонани ҳамма билади. 1985 йилда «Apple» компанияси ходими Джон Скалли ўзининг «Mackintosh» номли персонал компютери учун «Mack Basic» тилини ишлаб чиқаётган пайтда, Гейтс, агар Скалли «Mack Basic» лойиҳасини ёпиб қўймаса, «Apple II» учун ишлаб чиқилган «Microsoft» нинг дастурларидан фойдаланиш бўйича «Apple» сотиб олган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиши мумкинлигини дўқ-пўпаси қилган. Ўша пайтларда «Mackintosh» линияси бўйича ишлар яхши бормаётганлигини ҳисобга олиб, бунга Скаллинг рози бўлишидан ташқари ҳеч нарсаси қолмади, чунки кўпгина қарзларни қоплаш учун керакли бўлган маблағлар фақатгина «Apple II» линиясидан келиб тушарди.

Кўпгина мижозлар ва ракобатчилар Гейтсни ҳурмат қилишади ва унга қойил қолишади. «Tandy» компаниясининг юқори маъмуриятдаги шахси ҳисобланган Джон Роуч шундай деган: «Бу тармоқда Билл Гейтсдай мустаҳкам бўлган ҳеч кимса йўқ». Гейтс кўпгина компютер ишлаб чиқарувчи компанияларнинг маҳсулотни келажакдаги ривожлантириш тўғрисидаги барча режаларини билади. Айрим кишилар Гейтсни мағрур ва жуда сертакаббур деб ҳисоблашади. Уларнинг таъкидлашларича, кўпгина бундай компанияларнинг иш режалари тўғрисида Гейтснинг хабардор бўлиб туриши унга лойиқ бўлмаган устунликни беради ва кизиқишлар ўртасидаги потенциал келишмовчиликни яратади. Бироқ, бошқа кишилар шуни хайрихоҳлик билан кутишардики, қачон «IBM» компанияси Гейтс ва «Microsoft» учун жуда нозик бўлишини қарор қилади ва улар билан ўз алоқаларини тўхтатади.

САВОЛЛАР:

1. Билл Гейтс катта таъсирга ва ҳокимиятга эгами?
2. Ҳокимиятнинг қандай турини у қўллайди?
3. Ўз таъсири учун Билл Гейтс кундириш ёки меҳнаткашларни қарор қабул қилишган жалб қилиш каби услубларни қўллайдими?

Мавзу 5.Ташкилотнинг ички маданияти ва раҳбарнинг ундаги роли. 2с

Муҳокама учун саволлар:

1. Менежмент маданияти деганда нима тушунилади?
2. Маданиятнинг қандай турларини биласиз?
3. Моддий ва маънавий маданият нима билан фарқланади?
4. Бошқарув ходимлари маданиятига қандай омиллар таъсир этади?
5. Бошқарувда раҳбар қандай ролларни бажаради?
6. Раҳбарлик услубига қараб раҳбарларнинг турларига изоҳ беринг.
7. Корхонанинг охириги иш натижасига раҳбарнинг иш услуби қандай таъсир кўрсатади?
8. Раҳбар маданияти деганда нима тушунилади ва унга қайси кўрсаткичлар орқали баҳо берилади?

9. Ижтимоий ва ҳуқуқий масъулиятлилик деганда нима тушунилади, уларнинг бири-биридан фарқини тушунтиринг?
10. Корпоратив маданият деганда нима тушунилади?
11. Ҳозирги замон корпоратив маданиятини изоҳлаб беринг.
12. Расмий алоқалар маданияти ва этикасини қандай тушунасиш?

Таянч иборалар: маданият, ташкилот маданияти, раҳбар, раҳбар роллари, услуб, бошқарув услуби, иш услуби, раҳбарлик услублари, этика, менежмент этикаси, бизнес этикаси, этика мезонлари, раҳбар маданияти, раҳбар фазилати, ижтимоий масъулият, ҳуқуқий масъулият, ҳуқуқий жавобгарлик, корпоратив маданият, маданиятнинг объектив томонлари, маданиятнинг субъектив томонлари, бизнес муносабатлар.

Мавзуга оид тестлар.

1. Менежмент маданияти тушунчаси:

- а) жамияти ривожлантириш даражаси,
- б) бошқариш фанини узлаштириш ва билимларни куллай олиш даражаси,
- в) инсон фаолияти айрим турларининг ривожланиш даражаси,
- г) инсоннинг ривожланиш даражаси. Умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми.

2. Менежмент маданияти баҳолаш даражаси:

- а) бошқариш объектининг техник иқтисодий кўрсаткичи,
- б) бошқариш жараёни, бошқариш техникаси, меҳнат шароитлари, ишчининг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятлари кўрсаткичи,
- в) меҳнатнинг механизация ва автоматизация даражаси, технология даражаси, кишилар билан мулоқотда бўлиш кўрсаткичлари,
- г) иш юритиш ва йиғишлар утқизиш кўрсаткичлари.

3. Бошқариш жараёнида менежер маълум меъёрга амал қилади:

- а) моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар ҳаракати меъёри,
- б) кишилар билан узини тутиш, мажлис утқизиш,
- в) техник, иқтисодий, юридик, ташкилий, эстетик меъёрга,
- г) ишлаб чиқариш рентабеллиги, фойда, маҳсулот таннархи, амортизация меъёри ва ҳ.к.

4. Менежернинг бошқариш услуби:

- а) раҳбарнинг қуйилган мақсадларига қам ҳаражатлар билан эришиш қобилияти,
- б) раҳбарнинг раҳбарнинг жараёнидаги энг характерли ва мақбул усуллари йиғиш,
- в) узига ва бошқаларга ута талабчан бўлиш, ҳисоб китоблар,
- г) бошқаришнинг қонун ва принципларини чуқур билиш, кишиларни тартибга солиш қобилияти.

5. Қуйидаги раҳбарнинг қайси усулга тааллуқлиги (авторитарик, демократик, либерал):

- а) жамоа фаолиятига чуқур аралашади, уз фикрини утказади, тизимга таянади, ишга ёналган,
- б) уз фикрини утказартиришдан кочади, ташшаббус учун шароитлар яратади, қарорларни жамоа билан қабул килади,
- в) кул остидагиларга деярли тулик эркинлик бериб қуяди, инсонга йўналтирилган.

6.Бошқарув услуби – бу:

- а) Бошқарув функцияларини самарали бажариш мақсадида бирор бир органнинг ёки рахбарнинг буйсунувчиларига аниқ таъсир кўрсатиш усули ва йуллари мажмуасидир.
- б) Бошқарув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни хал қилиш усуллари йуллари, мажмуасидир;
- в) Ишлаш, бошқаришдаги узига хос йул, усулдир;
- г) б+в;
- д) ҳамма жавоб тўғри.

7.Либерал рахбарлар кадрларни танлашда:

- а) Бепарволарча ёндашадилар.
- б) Кучли ракобатдошлардан кутилиш пайида бўладилар;
- в) Ишчан, билимдон ходимларга мулжал оладилар, уларнинг усишига ёрдам берадилар.
- г) а+б;
- д) в+г;

8.Демократик рахбарлар билимга булган муносабатда:

- а) ҳамма нарсани узим биламан деб ҳисоблайдилар;
- б) бепарво, эътиборсиз бўладилар;
- в) муттасил укийдилар ва кул остидаги буйсунувчилардан ҳам шуни талаб киладилар;
- г) б+в;
- д) ҳамма жавоб нотўғри;

9.Демократик рахбарлар муомалада:

- а) ижобий, мулокотда киришимли ва фаол бўладилар;
- б) салбий, буйсунувчилардан масофа саклайдилар;
- в) ташаббус кўрсатмайдилар;
- г) а+б;
- д) в+г;

10.Автократик рахбарлар масъулиятни тақсимлашда;

- а) тула – туқис узлари тақсимлайди;
- б) тула – туқис ижрочиларнинг фикрига биноан тақсимлайди;
- в) фақат узининг ваколатига биноан тақсимлайди;
- г) а+в;
- д) ҳамма жавоб тўғри;

11. Либерал рахбарлар рағбатлантиришга келганда:

- а) онда – сонда рағбатлантириб, тез-тез жазолаб туриш тарафдори бўладилар;
- б) аниқ мулжаллари бўлмайди;
- в) онда сонда жазолаб, тез-тез рағбатлантириб туриш тарафдори бўладилар;
- г) б+в;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

12. Бошқарув жараёнида у ёки бу масалаларни хал қилишда рахбарнинг узига хос ёндашиши менежментда:

- а) бошқарув услуби деб юритилади;
- б) иш услуби деб юритилади;
- в) бошқарув методи деб юритилади;
- г) рахбарнинг иш услуби деб юритилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

13. Қарор қабул қилишда яккабош, жамоа фикри билан ҳисоблашмайдиган рахбарларни:

- а) автократик рахбарлар дейишади;
- б) либерал рахбарлар дейишади;
- в) демократик рахбарлар дейишади;
- г) а+в;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

14. Қарор ечимларини буйсунувчиларга таклиф оркали етказувчи рахбарларни:

- а) либерал рахбарлар дейишади;
- б) автократик рахбарлар дейишади;
- в) демократик рахбарлар дейишади;
- г) б+в;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

15. Автократик рахбарлар буйсунувчиларнинг:

- а) ташаббускорлигига тула-тукис таянади;
- б) ташаббускорлигига йул куяди;
- в) ташаббускорлигини рағбатлантиради ва ундан фойдаланади;
- г) а+в;
- д) б+г;

16. Мақсадли менежмент деганда нимани тушунамиз.

- а) натижа ва назорат
- б) фирма менежментининг маълум фалсафасини билдиради.
- в) Аниқ ишлаб чиқаришни кузлайди.
- г) Ташкилотни режалаштирилган тактик ва стратегик мақсадларга эришиш.

17. Мақсадлар бўйича бошқарувга биринчи бўлиб асос солган олим ким.

- А) Э. Мейо
- Б) М. Грегор

- С) П. Друкер
Д) Э. Райа

18.Куйидаги жавобларнинг қайси бири «мақсадлар шажараси»ни ифодаламайди:

- А) ташкилот раҳбарининг мақсади ишловчилар мақсадларидан устун қўйилиши.
В)мақсаднинг муҳимлиги жихатидан ренжирланиши, тартибланиши тушунилади
С)мақсадни куйиш ва уни амалга оширишнинг мавжуд шарт-шароитларга боғликлиги тушунилади.
Д)бир мақсаднинг бошқа мақсадга буйсуниши тушунилади
Е)мақсадлар билан уларга эришиш воситалари уртасидаги алоқаларнинг график тасвири тушунилади.

19. Ташкилот мухитининг ички ўзгарувчиси бўлиб, ҳар қандай бошқариш моделида марказий фактор ҳисобланади.

- А)мақсад
В)ташкилот структураси
С)вазифа
Д)технология.

20. Менежментнинг назорат қилиш функцияси – бу

- А)ташкилот истиқболини ижодий белгилаш
В)бошқарув погоналари ва функционал соҳаларининг ўзаро муносабатларидаги узвийлигини таъминлаш
С)корхона ва алоҳида шахснинг мақсадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб қилиш жараёни
Д)иш натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш
Е)ишловчиларни рағбатлантириш

Мавзуга оид масалалар.

Менежментда маданият ва услуб

Терминлар танлаш: Ҳар қайси А - устундаги терминга мос Б – устундаги таърифни танланг.

А	Б
1. Моддий маданият	А) кишининг фан ва маълумотни эгаллаганлиги даражаси. Тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва х.к.
2. Раҳбарлик услуби	Б) ишни тўғри ташкил этиш, ходимлардан самарали фойдаланиш, иш жойларни ташкил этиш, илгор бошқариш технологияси х.к.
3. Маънавий маданият	В) умумий маданият даражаси, менежмент ва маркетингни билиш, иш усули, менежмент маданиятини эгаллаш, шахсий хусусиятлар ва х.к.

4. Менежерлар маданияти	Г) ишлаб чиқариш маданияти, иш жойларини ташкил этиш, жойлашувларини режалаштириш, иш жойларининг тиббий гигиена талабларига жавоб бериши.
5. Менежмент жараёни маданияти	Д) менежерларнинг ахборот ва коммуникацияни узлаштириб олиш даражаси кўрсаткичи, ахборотдан фойдаланиш кулайликлари, унинг юқори сифати, уз вақтида бўлиши ва ишончлилиги.
6. Меҳнат шароити маданияти	Е) куйилган мақсадга эришиш жараёнида узини тутишнинг умумий куриниши.
7. Хужжатлаштириш маданияти	Ж) инсоннинг табиатни амалий билиш даражаси кўрсаткичи, меҳнат воситаларини амалий узлаштириш кўрсаткичи.
8. Авторитар менежер	З) жамоа фаолиятига чуқур аралашмайди, воситачи ролини бажаради, кул остидагилаор мустақил уз фаолиятини режалаштирадилар ва ташкил этадилар.
9. Демократик менежер	И) уз фикрини утказишдан кочади, кул остидагиларни қарор қабул қилиш ва ишлаб чиқаришга жалб этади, улар ташаббусига зарурий шароит яратиб беради.
10. Либерал менежер	К) жамоа фаолиятига чуқур аралашади, уз фикрини утказади, формал тузилмага таянади, ҳуқуқлар тизими ва мажбуриятларга таянади.

2-масала:

Мажлисида ишчилардан бири рахбарнинг уни қандай қабул қилиши ҳақида очик норозилик билдиради. «Кабинетга кирасан,-деди у, - салом урнига бош силкитиш, утиришни ҳам ҳар доим таклиф қилмайди, инсонийлик кани?»...

Бир одам сузга чиккан кишини куллади, бошқаси эса: «рахбар ҳар доим уз фикрини билдириб, унга келган ҳар бир ишга амалий ёрдам кўрсатади, бу эса энг асосийси!»-деди.

Уларнинг қайси бири ҳақ?

Биринчи одам ҳақ. Рахбар ҳар доим уз кули остидаги кишилар кузатувида бўлади. Бу уни уз ҳаракатларини каттик назорат қилишга мажбур этади, айникса, ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмасин инсонларга ҳурматда бўлишни талаб этади.

Иккинчи одам ҳақ ҳиссиётлар эса иккинчи уринда туради. Иккала ишчи ҳам адолатли мулоҳаза юритишди, этика, ахлоқ, рахбарнинг ички маданияти – бу кўп

нарсани билдиради, лекин ишда шундай вақтлар бўладики, рахбар учун саломлашишга ҳам кули тегмайди, бундан ташқари рахбар ва буйсинувчи орасидаги ўзаро шахсий муносабатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ерда рахбар йўқ.

3 - Масала.

Куйида келтирилган ҳолатларда ташкилот рахбари ишлаб чиқариши, куллаши мумкин булган чора тадбирларни белгиланг:

А) ташкилотдаги функционал бўлимлар бир бирига ухшаш ишларни барча ходимлари билан бораолмаяпти.

Б) Ҳисобот даврида бўлим бошликлари иш вақтидан кейин қолиб хизмат вазифасини бажармокда.

В) Рахбарнинг муовинлари уз соҳалари бўйича жавобгарлик сезмаяптилар.

Г) ташкилtda маънавий руҳий ҳолатнинг ёмонлашаётганлиги ҳақида маълумотларбор.

4. Масала. Куйида келтирилган бошқариш органларининг қайси бирида мақсадга мувофиқ вариантда қарор қабул қилинади.

А) қарорни ташкилот директори қабул қилинади.

Б) қарорни меҳнат жамоасининг умумий мажлиси қабул қилади.

В) қарорни ташкилот раҳбарияти қабул қилади.

Бошқарув усуллари.

Терминлар танлаш. Хар қайси А – устундаги терминга мос Б – устундаги таърифни танланг.

А	Б
1. Бошқариш усуллари	А) меҳнатнинг технику курулланишини яхшилаш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва тартибга солишнинг янги усуллари жорий этилиши, ишлаб чиқариш хажмларини ўзгартириш ва хоказо.
2. Бошқарув усулларига таъсир этувчи ташки омиллар.	Б) куйилган мақсадга эришиш ва рахбар фаолиятини уйғунлаштиришни таъминлаш учун рахбарнинг узи бошқараётган корхона жамоасига таъсир утказиш усуллари.
3. Бошқарув усулларига таъсир этувчи ички омиллар.	В) иқтисодий кизиқишлар орқали таъсир этиш усули корхона фаолиятининг барча томонларини камрайди ва иш самарадорлигини таъминлайди.
4. Бизнес режа	Г) Аниқликни таъминлашга таъсир этадиган, ташкилий тузилишни, хар

	бир бошқарув бугини вазифасини, интизомни ва иш самарадорлигини аниқлайдиган усуллар.
5. Баҳо, кредит, фойда, рентабеллик	Д) халқ хужалигининг техник куролланишини яхшилаш, иқтисодиётни бошқаришнинг катъий ислохоти илмий техник жараёнининг усиши.
6. Ташкилий фармойиш усуллари	Е) ҳар бир жамоа ишини аниқ ўзаро ҳаракатда моддий пул ва меҳнат воситаларини балансли мослашувини таъминлайдиган хўжалик фаолияти кизикишларига иқтисодий таъсир этиш усуллари.
7. Буйруқ	Ж) раҳбарнинг кул остидагиларга маълум бир вазифани бажариш учун ёзма ёки оғзаки талаби.
8. Ишлаб чиқариш социологияси	З) гуруҳлар хусусиятлари ҳаракатидаги шаклланиши ва омманинг характерли хусусиятлари, уларнинг шахс, онги ва таъсирини, кайфиятининг омманинг фикрини, шахс табиатини ва гайрати ёки жушқинлиги ва х.к.
9. Ижтимоий психология	И) Ишлаб чиқарувчилар ва алоҳида шахсларга уларнинг истеъмол қилияти, табиати ва гайрати ёки жушқинлиги орқали таъсир утказиш усуллари.
10. Бошқаришнинг психологик	К) жамият кишилари алоқалари, кишиларининг узини тутиш умумий қонуниятлари шаклланиши асос бўладиган омилларни ўрганади.

5-масала:

Берилган тавсифга асосланиб, мижоз турини аниқлаш, «М» заводнинг бош иқтисодчиси. У жуда босик, вазмин, сусткаш, аёл. Ким биландир гаплашганда тез-тез кузини четга олиб қочади. Ҳеч қачон узига эътибор қаратишга ҳаракат қилмайди. Чунки бу уни уялтиради. Янги ишчилар билан зурга танишади. Тинчлик ва ёлғизликни хуш куради. Бошқалар нима билан шугулланаётганини четдан кузатишни яхши куради, лекин уларнинг ишига қушилмайди. Жуда ишчан. У яхши кишилар билан дилкаш муомалади.

1. Сангвиник
2. Холерик
3. Флегматик
4. Меланхолик

6-масала:


Бўлим бошлиги иш вақтида харидорда кетаётган эди. Бир бурчакда ёш ишчилар чекиб туриб баланд овозда гаплашар эдилар. Бўлим бошлиги 10 минутдан кейин кайтаётиб худди шу ҳолатни курди. Унинг урнида сиз узингизни қандай тутган булар эдингиз?

1. Уларнинг олдига келиб, нима учун иш вақтида узок гаплашиб турнагликларни сураб, иш уринларига таркалишларини илтимос килар эдим.

2. Маъмурий чора курилиши керак: меҳнат интизомини бузганлиги учун буйруқ шаклида хайфсан эълон килардим.

3. Ёшлар ташкилоти котибини чакириб, улардан чора куришни, меҳнат интизомини бузганлиги учун буйруқ; шаклида хайфсан эълон қилишни сулардим.


4. Бирон хулосага келмасадан, одамлар нима ҳақида гаплашаётгани тўғрисида уйлаб куриб, якинрок бориб, секин мулокотга киришардим. Балки ишлаб чиқаришнинг мунозарага сабаб булган масалани хал килолмаётган бўлиши мумкин.


Мавзуга оид 1 – кроссворд.

Буйига: 1) низони олдини олиш ёки зиддиятли усулларида бири

2) Низонинг асосий 4 турдан бири.

3) Ўзаро келишмовчилик карама-каршилиқ душманлик

2 - кроссворд.



Энига: 1. Катъий йурикнуа. Меъёрий хужжатлар доирасида қабул килинадиган қарорлар.

4. Қарорлани ишлаб чиқиш жараёнида барча фикрлар юзасидан бир битимга келиш тамайили.

Буйига: 2. Бошқарув қарорлари унсурларидан бири.

3. Япон бизнесида қўлланиладиган сураб чиқиш билан розилик олиш усули.


Энига: 1. стереотип

4. консенсус

Буйига: 2. жавобгарлик

3. ринги.

3 - кроссворд.



1. Кимматбохо тош

2. туловга қабул эҳтиёж

3. Ишлаб чиқаришларнинг бозордаги кураши.

4. Ватанимизда ишлаб чиқариладиган автомашина.

5. Тадбиркорлар иш жойи

6. Тадбиркорлар фаолияти

Жавоблар:

1. бриллиант

2. талаб

3. ракобат

4. дэву
5. бизнес

Мавзуга оид саволлар.

- 1.Ташкилий маданият тушунчасини таърифлаб беринг.
- 2.Маданиятнинг қандай турларини биласиз.
- 3.Моддий ва маънавий маданият нима билан фарқланади.
- 4.Менежмент маданияти деганда нимани тушунаси.
- 5.Менежмент маданиятининг асосий элементларини гапириб беринг.
- 6.Менежментнинг аниқ усулларини айтинг ва таърифланг.
- 7.Бошқарув услуги деганда нима тушунилади ва у қандай тоифага тегишли.
- 8.Бошқарув услуги ва усули қандай сифатлар билан аниқланади.
- 9.Бошқарув услуги ва усули қандай нисбатда бўлади.
- 10.Бошқарув услуги қандай шаклланади.
- 11.Бюрократик бошқаруви қандай бош сифат билан аниқланади.
- 12.Бошқарув услуги бозор муносабатлари шароитида қандай шалланади.
- 13.Менежментдаги этика улчовлари қандай баҳоланади ва улар нима билан аниқланади.
- 14.Мақсадли менежментнинг пайдо бўлиши ва тарақиёти тарихини айтиб беринг.
- 15.МВОни узи нима.
- 16.Режалаштиришнинг қайси босқичи мақсад бучича бошқарувнинг асосийси ҳисобланади.
- 17.Турт хил мақсадларда таъриф беринг.
- 18.МВОнинг қандай белгилари ҳозирги замон босқичига таълуқли.

Мавзу 6. Менежерлар фаолиятини ташкил этиш. 2с

Муҳокама учун саволлар:

1. Менежер меҳнати деганда нима тушунилади ва у қандай баҳоланади?
2. Менежер меҳнатига қандай талаблар қўйилади?
3. Менежернинг асосий вазифаларига нималар киради?
4. Менежер меҳнатини оқилона ташкил қилиш мумкинми?
5. Менежерларнинг ишбилармонлигини қандай баҳолаш мумкин?
6. Замонавий менежерлар қандай сифатий фазилатларга жавоб бериши керак?
7. Замонавий менежер ишни қандай ташкил этиши зарур?
8. Менежер меҳнати самарадорлигини оширишнинг қандай асосий йўналишлари мавжуд?

Таянч иборалар: менежер, менежер меҳнати, менежер вазифалари, менежер ва тадбиркорлик, ҳужжатлар билан ишлаш, муҳокамаларни олиб бориш, аттестация.

Мавзуга оид тестлар.

1.Ишбилармон ва менежер орасида қандай фарқ бор?

- А) менежер бу ишбилармон,
- б) менежер бу бошқарув фаолиятини амалга оширувчи шахс,
- в) менежер бу янги иш ташкилотчиси,
- г) менежер бу таваккал кила оладиган инсон.

2. Менежер меҳнати қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган инсон:

- а) техник ва технологик,
- б) мақсад, ҳаракат, натижа мақсад,
- в) ташкилий ва тақсимлаш,
- г) юқорилардагининг ҳаммаси.

3. Бошқарув цикли ёпик мақсадга эга:

- а) мақсад, ахборот туплаш, қарор қабул қилиш,
- б) мақсад, ҳаракат, натижа мақсад,
- в) мақсад, қарор қабул қилиш, бажаришни ташкил қилиш,
- г) ахборот йиғиш, қарорни ишлаб чиқиш, уларни бажаришни ташкил қилиш.


4. Менежерларни ким аттестатциядан утказди?

- А) юқори бугин раҳбарлари,
- б) аттестатция комиссияси,
- в) меҳнат жамоаси,
- г) бевосита раҳбар.

5. Бошқариш қарорларини ким қабул қилади?

- А) мунтазам раҳбари,
- б) функционал раҳбар,
- в) урта раҳбар бугини,
- г) техник ижрочилар.

Мавзуга оид кроссворд.



Энига: 2 Ҳисоб-китоб ишларини амалга оширувчи ходим. 6. Мансабли кишиларнинг ташкилот неъматларидан фойдаланишда чегараланган ҳуқуқи.

1. Америкалик энг буюк назариётчилардан бири.

Буйига: 1. Ф.Гилберг кашф қилган асбоб

2. Менежмент фанинг асосчиси

3. Лотинчада «куйи тузилма» маъносини англатувчи ибора.

4. Тейлор илгари сўрган корхона устида бўладиган сифатлардан бири.

Калит: 1 Микро хронометраж 2. иқтисодчи, 3. Тейлар, 4. Инфраструктура 5.

Зийраклик, 6. Ваколат, 7. Дракер.

Калит сузи: Мейо

Мавзуга оид масалалар.

1. Масала. Куйидаги ҳолатларда корхонани тула хўжалик ҳисобига фаолият кўрсатяпти деб бўладими? -Агарда:

А) шартномаларни бажарилмаслигида айрим ходимлар айбдор булсаю, жарималар эса бутун жамоанинг нитижаси булган фойдадан туланса

Б) бошқариш аппарати ходимлари узларининг бевосита вазифаларни бажармасалар ҳам ҳеч қандай моддий жихатдан жавобгар бўлмаса.

Мавзуга оид саволлар.

1. Менежер меҳнати қандай баҳоланади.

2. Менежер меҳнати нимадан бошланиб нима билан тугайди.

3. Бозор менежер меҳнатига қандай талаблар куйилади.

4. Корхонада менежер меҳнати қандай ташкил этилади.

5. Менежерларни атестациядан утказишнинг қандай турларини биласиз.

Мавзу 7. Менежментнинг ташкилий структуралари. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Бошқариш структураси деганда нима тушунилади?
2. Бошқариш структурасини белгиловчи омилларни айтинг.
3. Бошқаришнинг ташкилий структураси нима ва қандай талабларга жавоб бериши керак?
4. Бошқариш структураларининг ташкилий турларини санаб беринг.
5. Чизиқли ва функционал структураларнинг ижобий ва салбий томонларини айтинг.
6. Чизиқли-функционал структура тўғрисида нима дея оласиз ва унинг камчиликлари нимадан иборат?
7. Лойиҳали ва матрицали ташкилий структураларга қисқача таъриф беринг.
8. Ташкилотни ташкил этишнинг умумий қоидаларини тавсифланг.
9. Марказлашган ва марказлашмаган структураларнинг нисбий устунлиги нимадан иборат?
10. Ваколатларни узатиш самарадорлиги қайси омиллардан боғлиқ?

Таянч иборалар: структура, бошқариш структураси, бошқарув босқичлари, ташкилотни ташкил этиш, бошқарув цикли, марказлашув (централизация), номарказлашув (децентрализация), чизиқли-функционал структура, матрицали структура, лойиҳали структура, холдингли структура, юқори раҳбарият, юқори раҳбарият командаси, ваколат, ваколатларни узатиш, ваколатни тарқатишнинг самараси.

Мавзуга оид тестлар.

1. Ваколат –бу

- А) Вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат, ишонч коғози тилхат.
- Б) Бирор давлат томонидан узга ерда таъсис этилган ва унинг манфатларини кузлаб иш курадиган муассаса.
- С) ваколоти бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган субъект кабилар.
- Д) бирор шахс муассаса, ташкилот, давлат ва шу кабилар номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи.
- Е) нотўғри жавоб йўқ.

2.Куйида кайд килинган ваколатларнинг қайси бири фармойишли ваколат турига киради.

- А) тавсияли ваколатлар
- Б) чизиқли ваколатлар
- С) мувофиқлаштирувчи ваколатлар
- Д) ҳисоб ва назорат қилиш бўйича ваколатлар
- Е) муросага келтирувчи ваколатлар

3.Куйида кайд килинган ваколатларнинг қайси бири идоравий ваколат турига киради.

- А) чизиқли ваколатлар
- Б) функционал ваколатлар
- С) тавсияли ваколатлар
- Д) муросага келтирувчи ваколатлар
- Е) ҳамма жавоблар тўғри

4. Чизиқли ваколатлар.

- А) ташкилотларнинг иерархик тузилишининг пайдо бўлиши биланок вужудга келган бўлиб, у якка ҳокимлик тарзда раҳбарлик қилишга асосланади.
- Б) одатда билвосита алоқалар шароитида амалга оширилиб, улар маълум доирада чекланган бўлади.
- С) фақат тавсия характериға эға бўлади.
- Д) даъват этувчи ваколатлардир
- Е) ҳамкорликда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ ваколатлардир.

5. Функционал ваколатлар.

- А) даъват этувчи ваколатлардир
- Б) тавсия характериға эға бўладилар.
- С) одатда билвосита алоқалар шароитида амалга оширилиб, улар маълум доирада чекланган бўлади.
- Д) ҳамкорликда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ ваколатлардир.
- Е) нотўғри жавоб йўқ.


Мавзуга оид масалалар.

Масала.

Сизнинг буйсинувчингиз уюшмаганлиги ёки ишлашни билмаганлиги сабабли вазифани вақтида бажармади, гарчи ваъда берган бўлса ҳам, яъни белгилан вақтда вазифани бажаришга суз берган бўлса ҳам, бажармади. Сизнинг амалга оширишингиз керак бўлган вазифалар:

- А) Аввал вазифанинг бажарилишига эришиши керак, сунгра эса аолхида гаплашиб олиш керак, тарбиялаш, керак бўлса жазолаш зарур.
- Б) Аввал у билан алохида гаплашиб олиш керак, сабабини аниқламок ёки жазолаш керак.
- В) Аввал айбдорни кўпрок биладиганлар билан гаплашиб олиш, унга қандай таъсир чораларини куллаш ҳақида маслаҳатлашиб олиш зарур.
- Г) Ёнг буйсунувчига ёрдам беришни уйлаб куриш лозим, унаг синов муддати бериш ва унинг устидан пухта назорат олиб бориш керак, хатоларини тўғрилаш ва ишнинг вақтида бажарилмаганлиги учун жазолаш билан танбех бериш керак.
- Д) Сизнинг вариантингиз.

Мавзуга оид кроссворд.



Бўйича: 1. (80:20) вақт принципи муаллифи, иқтисодчи В.Парето юрти.

2. Фармойишли ваколат турларидан бири.

5. Вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат

Энига: 3. Бирор иш, ҳатти-ҳаракат натижаси учун жавобгарлик.

4. Бошқарув ваколатлари турларидан бири.

6. Мақсадларга эришиш учун одамлар гуруҳига таъсир этиш қобилияти.

1. Ваколатни жон-дили билан қабул қилмасликка асосий сабабларни кўрсатиб берган олим.

Жавоблар:

Буйига: 1. Италия. 2. Функционал. 5. Ваколатнома
Энига: 3. Масъулият. 4. Идоравий. 6. Рахнамолик. 7. Ньюмен

Мавзуга оид саволлар.

1. Бошқарув ваколатлари деганда нимани тушунасиш.
2. Ваколатнинг чегараси бўладими.
3. Марказлашган ва марказлашмаган ваколатлар тўғрисида тушунча беринг.
4. Бошқарув ваколат турларини айтиб беринг.
5. Фармойишли ваколатнинг моҳияти нимада.

Мавзу 8. Менежментда ахборот ва коммуникациянинг роли. 4 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Ахборот нима ва унинг бошқарувдаги роли нимадан иборат?
2. Ахборотга нисбатан қандай талаблар қўйилади?
3. Тескари алоқа нима?
4. Ахборотлар қандай туркумланади?
5. Ахборотларнинг қандай тизимлари мавжуд?
6. Коммуникация нима?
7. Коммуникацион жараён деганда нимани тушунасиш?
8. Шахслараро ахборот алмашувда қандай муаммолар туғилиши мумкин?
9. Самарали қулоқ солиш санъатининг 10 та қоидабини биласизми?
10. Ташкилий коммуникация тўсиқлари нималардан иборат?
11. Ташкилотда коммуникацияни такомиллаштириш йўллари айтинг.

Таянч иборалар: ахборот, ахборот алмашинуви, ички ахборот, ташқи ахборот, ахборотлар тизими, коммуникация, норасмий коммуникация, вертикал коммуникация, горизонтал коммуникация, коммуникация жараёни, жўнатувчи, канал, қабул қилувчи, кодлаштириш, декодлаштириш, тескари алоқа, шовқин, семантика, вербал ҳатти-ҳаракат, новербал ҳатти-ҳаракат, ташкилий коммуникация, илмий-техник ахборотлар, компьютерлаштириш.

Мавзуга оид тестлар.

1. Менежмент ахбороти деганда нима тушунасиш?

- а) иқтисодий кўрсаткишлар йигиндиси,
- б) маълумотлар, хабарлар цигиндиси,
- в) ҳужжатлар, алоқа каналлари, кўрсаткичлари,
- г) ходимлар, менежерлар ҳақида маълумот.

2. Менежерга комуникатция тутган урни қандай?

- а) комуникатция қарор қабул қилиш асоида,
- б) бу ахборотлар алмашиш жараёни,
- в) бу рахбар учун зарур ахборот,
- г) комуникатция ахборот тизимини ташкил этади.

3. Ахборот билан ишни ташкил этиш керак?

- а) ахборот тизимини ишлаб чиқиш,

- б) ахборотни саклаш ва излашни ташкил этиш,
- в) ахборотни кайта ишлаш жараёнини механизатциялаш ва афтоматлаштириш,
- г) юқоридан хамма кўрсатмаларни бажариш.

4. Бошқариш техникасига нималар киради?

- а) ахборотни қабул қилиш ва узатиш,
- б) ахборотни саклаш ва йигиш,
- в) ахборотни кайта ишлаш, буйруқларни шакллантириш,
- г) юқорида кўрсатилган барчаси.

5. АБС (автоматлаштириш бошқарув тизими) куйидаги вазифаларни бажариш:

- а) ахборотни қабул қилиш ва узатиш,
- б) ахборотни саклаш ва йигиш,
- в) ахборотни акйта ишлаш, буйруқларни шакллантириш,
- г) юқорида кўрсатилганлар барчаси.

6. Ишбилармон ва менежер орасида қандай фарқ бор?

- а) менежер бу ишбилармон,
- б) менежер бу бошқарув фаолиятини амалга оширувчи шахс,
- в) менежер бу янги иш ташкилотчиси,
- г) менежер бу таваккал кила оладиган инсон.

7. Товарнинг бозор нархи нимага боғлиқ?

- а) товарнинг миқдори ва сифати,
- б) товарнинг талабга мос келишига,
- в) ишлаб чиқаришни ва товарни етказишни уз вақтидалигига,
- г) барча кўрсатилган омилларга.


8. Товар сифатининг танланма назоратини утказадилар:

- а) маҳсулот ишлаб чиқаришга тасодифий огишларни бартараф этиш учун,
- б) товарни катта назариясини қабул қилганда,
- в) паст сифатли маҳсулот чиқиши бошланганда ишлаб чиқариш жараёнида,
- г) статистик назорат товарнинг юқори сифатини таъминламаганлиги сабабли.

9. Бозор ракобатчилари зарур чунки у.....:

- а) талаб ва таклиф чегаралайди,
- б) даромад олиш оқибатни пасайтиради,
- в) ишлаб чиқарувчилар нархини назорат кила олиш мумкин булган бозорини яратади,
- г) ишлаб чиқарувчиларни янада самаралироқ ишлашга ундайди.

Мавзуга оид кроссворд.



1. Механик ташкилий таркиб шалларидан бири.
2. Ташкилий таркибнинг шалларидан бири.
3. Механик ташкилий таркибнинг шалларидан бири.
4. Нормарказлашган ташкилий таркиб номи.
5. Айти бир максид учун бунёд этилган ташкилий таркиб номи.
6. Фирма ичидаги булинмаларнинг тури менежментда

1. Дивизионал
2. Механик
3. Вазилавий
4. Органик
5. Адхократик
6. Иновацион

Мавзуга оид масалалар

Ахборот ва коммуникация.

Терминлар танлаш: Хар қайси А – устундаги терминга мос Б- устундаги таърифни танланг.

А	Б
1. Ишлаб чиқариш ахбороти	А) ахборот узатиш воситаси: электрон ахборот воситалари учун, ёзма зарурий, оғзаки, доимий, ўзгарувчан, оддий,

2. Доимий ахборот	Б) Бошқариш объектининг ҳолати ҳақида зарурий маълумотлар йигиндиси, бошқарувчи вабошқарилувчилар орасидаги алоқа шакллари.
3. Ўзгарувчан ахборот	В) бошқарув объекти ҳолатини ва бошқарувчи жараёнларнинг мувофиқлигини аксэттиради, қайсиниси қарор қабул қилиш тезкорлигини
4. Ахборот тизими	Г) Икки ва ундан ортиқ кишилар орасида муомала ва ахборот мазмуни билан
5. Мураккаб ахборот тизими табақаланиши.	Д) узок вақт давомида уз мазмунини ўзгартирмайдиган керакли маълумотлар йигиндиси,
6. Алоқа канали	Е) Бошқариш объектининг техник воситалари ахборотлар, ахборотлар оқими, алоқа каналлари йигиндиси
7. Коммуникация	Ж) бошқариш объекти ахбороти, ахборот оқимлари, алоқа канали, техник воситалар йигиндиси,
8. Коммуникация жараёнининг элементлари	З) ахборотни қайта ишлашни механизациялаштириш автоматлаштириш даражасига кура бошқариш объекти ҳақидаги керакли
9. Ташкилий техника	И) овоз, ёруғлик карточка, коғоз, ЭХМ учун магнит диск ленталар ва хоказо,
10. Ахборот ташувчилар	К) карточка, коғоз, ручка, калам, жавон, хат, идиш ва магнит ленталар, ЭХМ телефон, сузлашув қурилмалари ва

Мавзуга оид саволлар.

1. Ишлаб чиқариш ахборотлари қуриниши қандай фарқланади.
2. Иқтисодий ахборотни қандай тушунасиш.
3. Ички ва ташқи ахборотларнинг моҳияти нимада.
4. Раҳбар ишида ахборот қандай урин тутати.
5. Менежментда коммуникация урни қандай.

Мавзу 9. Қарорларни қабул қилиш ва такомиллаштириш йўллари. 4 соат
Муҳокама учун саволлар:

1. Қарор нима? Бошқарув қарорлари қандай талабларга жавоб бериши керак?
2. Бошқарув қарорлари қандай унсурларни ўз ичига олади?
3. Бошқарув қарорлари таснифни келтиринг ва уларнинг ҳар бирига қисқача изоҳ беринг.
4. Амал қилиш хусусиятига кўра бошқарув қарорлари қандай турларга бўлинади?
5. Яккабошчилик асосида қарор қабул қилиш мумкинми?
6. Қарор қабул қилишнинг коллегиял ва консенсус тамойиллари тўғрисида нималар дея оласиз?
7. Қарор қабул қилишда «Ринги» усулининг моҳияти нимада?
8. Ташкилий қарор деганда нима тушунилади?
9. Дастурлаштирилган ва дастурлаштирилмаган қарорлар бир-биридан қандай фарқланади?
10. Интуитив ҳамда фикр-мулоҳазага асосланган қарорларни қандай фарқлаш мумкин?
11. Бошқарув қарорларини қабул қилишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
12. Оқилона қарор қабул қилишда муаммо диагностикаси қандай амалга оширилади?
13. Модел нима ва уларнинг қандай асосий кўринишлари мавжуд?
14. Зарарсизлик нуқтаси тушунчасини қандай тушунаси?

Таянч иборалар: қарор, ташкилий қарор, дастурлаштирилган қарор, дастурлаштирилмаган қарор, компромислар концепцияси, интуитив қарор, фикр-мулоҳазага асосланган қарор, оқилона қарор, альтернатива, релевант ахборот, модел, моделлаштириш, физик модел, аналогли модел, математик модел, ўйинлар назарияси, навбатлар назарияси модели, захираларни бошқариш модели, чизиқли программлаштириш модели, имитацион модел, иқтисодий таҳлил модели, зарарсизлик нуқтаси, тўлов матрицаси, қарорлар шажараси, прогнозлаштириш.

Мавзуга оид тестлар.

1. Амал қилиш даврига қараб қарорлар қарорларга бўлинади.

- А) социал ва иқтисодий
- В) техник ва технологик
- С) анъанавий ва ташаббусли
- Е) яккабошчилик ва коллегиял .

2. Қарор – бу

- А) келиб чиқаётган муаммонинг олдини олиш учун амалга ошириладиган тадбир
- В) бу психологик жараён
- С) юзага келган ёки юзага келиши мумкин муаммони тадқиқ этиш усули
- Е) фармойиш.

3. Стереотип қарорлар – бу

- А) Новаторларча, мазмунига кўра истиқболли бўлган қарорлардир.
- В) раҳбар фаолияти катъий равишда йуриқномалар, меъёрий ҳужжатлар доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда қабул қилинадиган қарорлардир
- С) одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир
- Д) таваккал билан чала ахборотга асосланиб қабул қилинадиган қарорлардир
- Е) ташаббусли қарорлардир.

5. Қарор қабул қилиш – бу

- *А) мақсадга эришиш учун ташкилот раҳбарининг уз ваколати ва омилкорлиги доирасида альтернатив танлаш жараёнидир
- В) УзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан юридик кучга эга бўлган ҳужжатни қабул қилиши
- С) менежернинг фикри-зикрини доим банд қилиб турадиган ташвишдир
- Д) менежернинг куйи бугин раҳбарларига кўрсатма бериши
- Е) менежернинг куйи бугин раҳбарларидан ҳисобот талаб қилиши .

6. Такрорланиш ва янгилик даражасига қараб қарорлар қарорларига бўлинади.

- А) анъанавий ва ташаббусли
- В) аниқ ва ноаниқ
- С) яккабошчилик ва коллегиял принцип асосидаги
- Д) техник ва технологик
- Е) стратегик ва тактик

7. Бошқариш қарорларини ким қабул қилади?

- а) мунтазам раҳбари,
- б) функционал раҳбар,
- в) урта раҳбар бугини,
- г) техник ижрочилар.

8. Лидер нима?

- а) жамоа орасидаги нисбаттан ташаббускор ҳаракатчан, мулоҳазали, янгиликлардан хабардор, янгиликка интилувчи ходим,
- б) ёлланма профессионал бошқарувчи,
- в) бошқарув санъати ва моҳияти,
- д) шахснинг меҳнат фаолияти ва моҳорати,
- г) тўғри жавоб йўқ.

9. Қарор қабул қилишнинг энг масулиятли босқичи:

- А) мақсадни аниқлаш, зарур ахборотни йиғиш.
- В) Қарорнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;
- С) Якуний ва энг қулай вариантни танлаш;
- Д) Қарорни бажаришни ташкил қилиш;
- Е) Ходимларни танлаш ва жойлаш.

Мавзуга оид масалалар.

1. Масала.

Бухордаги «Жасорат» фирмасининг режа-иқтисод бўлими бошқарувчиси директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчисини чақириб, янги маҳсулотнинг ҳисоб калькуляциясининг тезроқ тугатишини буюрди.


Ушбу ҳолатнинг ташкилий-бошқарув ҳолатларини топинг.

2. Бошқариш қарорларини қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш.

Терминлар танлаш: Хар қайси А – устундаги терминга мос Б – устундаги таърифни аниқланг.

А	Б
1. Бошқарув қарори	А) натижани башорат қилишда аниқлилиқ даражаси,
2. Қарорлар турлари	Б) илмий асосланганлиқ даражаси, аниқ йўналганлиқ, тезкорлиқ,
3. Бошқарув қарорлари	В) маънавий ва моддий эҳтиёжларни кондиришларни ҳақиқий имкониятлар билан мослашув шакли.
4. Жамоа қарорлари	Г) стратегик, тезкор, андоза, андозасиз, коллегиал, жамоа.
5. Бошқарув қарорлари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.	Д) ахборотни йиғиш ва таҳлил этиш, турли хил вариантларни ишлаб чиқиш, энг кулай вариантни қабул қилиш, ижрочига вазифани куйиш, бажаришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш.
6. Бошқарув қарорларига куйиладиган талаблар	Е) жиддий тайёргарликни талаб қилади ва кўп киррали мазмунга эга, мутахассислар гуруҳи билан биргалиқда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.
7. Қарор қабулқилиш боскичлари.	Ж) музокарали масалаларни куришда қабул қилинади, улар меҳнат жамоаси умумий мажлисида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.
8. Бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш усуллари.	З) жамоа ечиш лойиҳасини муҳокама қилиш учун йигин ва мажлисга жалб этилади: ходимлар билан, имкониятларбилан маневр, кишиларни кайта тайёрлаш, бажарилишнинг мунтазам назоратини урнатиш.
9. Қарорни бажаришни ташкил этиш	И) қарор ишлаб чиқаришга мутахассисларни жалб этиш, ижрочиларга етказиш, менежерларнинг шахсий хусусиятлари.
10. Таваккалчилик	К) ижтимоий ва иқтисодий таҳлил, тажрибавий моделлаштириш, математик дастурлаш, излаш назарияси,эксперт баҳоси ва хоказо.

Мавзуга оид кроссворд.



Энига: 1. Бажарилиши лозим булган ишнинг бир аниқ бир йули нима дейидади. дейилади.

2. Бошқарув қарорлари инсурларидан бири.

Буйига: 2. Бошқарув органлари томонидан чиқарилган буйруқ фармойиш ва белгиланган режаларнинг жойларида бажарилиши.

3. Бошқарув олдида тўрган вазифани ҳал этиш чизмаси бу-

4. Товарлар қиймати нима билан белгиланади.

Энига: 1. қарор

5. муддат

Буйига: 2. назорат

6. модел

7. нарх

Мавзуга оид саволлар.

1. Бошқарув қарорлари қандай қурилишларга бўлинади.
2. Тезкор ва стратегик қарорлар нима билан фарқланади.
3. Менежмент қарорига қандай талаблар қўйилади.
4. Бошқарув қарорларнинг энг мақсадга мувофиқ усуллари нимадан иборат.
5. Бошқарув қарори самарадорига қандай омиллар таъсир этади.
6. Қарорнинг бажарилишида назорат қилишдан қандай фойдаланилади

Мавзу 10. Режалаштириш асослари. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Менежментда режалаштириш қандай аҳамиятга эга?
2. Расмий ва норасмий режалаштириш турларини таққосланг.
3. Режанинг қандай турлари мавжуд?
4. Режалаштириш ташкилот фаолиятига қандай таъсир қилади?
5. Ташкилот ичида режалаштиришга таъсир кўрсатувчи омилларни санаб беринг.

6. Бизнес ташкилот фақат фойда олишни кўзлайдими? Бу ташкилотнинг расмий мақсадларига қандай таъсир қилади?
7. Ташкилотнинг ҳаёт циклини кўрсатиб беринг. Ҳар бир босқичда қайси режалар тури кўл келади?
8. Ташкилот поғонаси (бўғини) ва режалаштириш орасида қандай мунособат мавжуд?
9. Режалаштириш фаолиятдан кўзланган мақсад нима?
10. Мақсадлар режалаштириш пойдевори бўла оладими?
11. МВО жараёнини қисқача тушунтиринг?
12. Мақсадлар бўйича бошқаришнинг қандай босқичлари мавжуд?

Таянч иборалар: режалаштириш, режалаштириш мақсадлари, ташкилот фаолияти, режалаштириш “ҳақиқатлари”, стратегик режа, операцион режа, аниқ мақсадли режа, йўлланма режа, ташкилот бўғини, ташкилотнинг фаолият цикли, муҳитнинг ноаниқлик даражаси, расмий мақсадлар, амалдаги мақсадлар, анъанавий мақсад, мақсадли менежмент, менежмент услуги, ғарбий менежмент услуги, шарқий менежмент услуги "Сифат тўғараклари", "Sogo Shosha", "аниқ муддатда" (Just in time) шартларида етказиб бериш, коммандит ўртоқлик, масъулияти чекланган жамият, акционер, картель, трест.

Гуруҳлар учун 1 – топшириқ.

1-2 гуруҳ

«Toys'R'Us» фирмасидаги стратегияни кетма-кет амалга ошириши»

«Toys'R'Us» фирмаси АҚШ даги ўйинчоқлар сотуви бўйича йирик чакана савдо компанияси бўлиб ҳисобланади (1986 йилги сотув ҳажми 2,3 млрд. долларни ташкил этган). Унинг АҚШ, Канада, Буюк Британия, Сингапур ва Гонконг каби давлатларда 295 дан ортиқ магазини мавжуд. Бу фирмани АҚШ да ўйинчоқлар тармоғида қилган инқилоби учун тез-тез мақтаб туришади. Ҳозирда эса у ўзининг халқаро фаолиятини кенгайтириб бормоқда ва бу нарса кейинги 10 йил давомида хорижда 200 тагача магазинларни қуриб битказишга етаклайди.

«Toys'R'Us» фирмаси фаолликнинг асосий формуласига эга бўлиб, бу формулага АҚШ да амал қилади ва ундан ўзининг халқаро фаолиятини кенгайтиришга фойдаланади. Фирма йиллиги 10 % даражасида ўз қувватини оширмоқда. Ҳар йили у янги географик вилоятларда бозорларни эгаллаб олади ва ҳар бир вилоятда омборхоналар ва улар яқинида жойлашган бир қанча магазинлар ҳам қуриб чиқади. Ҳудудий омборхона «Toys'R'Us» фирмасига бир тунда магазинлардаги захиларни тўлдиришга ҳамда катта ҳажмдаги товарларни сайлаб қўйишга имкон беради. Бундай товарлар ишлаб чиқарувчилар томонидан паст нархларда «ўлик мавсум» пайтида сотиб олинади.

Компания ҳар доим ўз магазинларини йирик савдо маркази ёнидаги асосий транспорт магистралларида жойлаштиради. Бу сиёсат компанияга савдо маркази харидорларини ўзига жалб қилишга имкон беради, лекин савдо марказининг ҳудудида жойлашиб олгани учун юқори ижара ҳақидан четланишга йўл қўяди. Ҳар бир магазин йирик бир алоҳида ўрнашиб олган бинодан иборат бўлиб, бинонинг

ичида 18 мингдан ортиқ маҳсулотлар сақланган токчалар ва харид қилиш жараёнини енгиллаштириш учун товарларни танлаб олишга мўлжалланган аравачалар мавжуд.

«Toys'R'Us» фирмаси ҳеч қачон арзон сотувларни ўтказмайди, аммо ҳар кунлик паст нархларни таклиф қилиб, «ўлик мавсум» пайтида сотувларни рағбатлантириб туради. Компания ўртача реклама қилишни сақлаб туради. У янги бозорга биринчи марта кириб келишида телевизион рекламани қўллайди, кейинчалик магазинларни ташкил қилгандан сўнг чекланган тарзда босма рекламадан фойдаланади. Ҳар бир магазинда 18 мингдан маҳсулотга эга бўла туриб ҳамда харидорлар учун товарни қайтариб беришнинг қулай процедурасини яратиб, «Toys'R'Us» ўйинчоқлар ва шунга ўхшаш товарларнинг сотуви бўйича ягона жой бўлиб қолишга даъвогар бўлмоқчи.

Компанияда қарорлар қабул қилишнинг марказлашган процедураси амал қилади. Барча магазинлар фирманинг бош бошқармасининг аниқ кўрсатмаларига мувофиқ қурилган. Барча магазинлар бир хил тузилишга эга, товарлар токчаларга бош бошқармадан олинган чизмалар бўйича жойлаштирилган. Автоматлаштирилган прогнозлаштириш ҳамда материал захираларнинг ҳисобини юритишнинг мураккаб тизими ёрдамида ҳар бир товар ва ҳар бир магазин бўйича сотувлар ҳажми кузатилиб борилади. Сотувлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар бош бошқармада келажакдаги сотувларни прогнозлаш учун ва кўп сотиладиган товарларга қайтадан берилган буюртмалар ҳамда кам сотиладиган товарлар нархларининг пасайиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш учун қўлланилади. Шундай қилиб, сотувлар устидан кузатувни олиб бориб, «Toys'R'Us» фирмаси етарли миқдорда модада бўлган товарларни сотиб олиб қўйиши мумкин. Бу билан фирма бундай товарларнинг омборхонада бўлмаслигидан четланади ва машҳурлигини йўқотаётган товарлардан холи бўлиб, токчаларни кўп сотиладиган товарлар учун бўшатиб қўяди.

САВОЛЛАР:

1. «Toys'R'Us» фирмасининг асосий формуласи, моҳиятига кўра, режалаштириш ва қарор қабул қилишга йўналтирадиган сиёсатдан иборат. Компаниянинг корхонани жойлаштириш ва тузиш, маркетинг, сотиб олиб қўйиш ва маъмурий назорат соҳасидаги сиёсати қандай?
2. Бу сиёсат «Toys'R'Us» фирмасига мақсадларни шакллантиришга қандай ёрдам беради?
3. Сизнинг фикрингизча, ушбу сиёсат АҚШ да бўлгани каби хориж мамлакатларида ҳам самарали бўлиши мумкинми? Ҳа ёки йўқ, нима учун?

3-4 гуруҳ

«Sirs» фирмасидаги стратегик режалаштириш»

70-йилларнинг охирида «Sirs, Robak and Company» ўз рақобатбардошлигини йўқотиб, баъзи бир кузатувчиларнинг гапига қараганда «фирма маркаси имиджининг кризиси» га дуч келди. Чакана савдо етук соҳага айланганди ва рақобат мушкул аҳволда эди. Харидорлар ўз даромадларининг камаяётган қисмини узоқ муддатда фойдаланувчи товарларга сарф қилишарди. Бундай товарлар, масалан, маиший жиҳозлар ва мебель бўлиб, бунда «Sirs» фирмаси анъанавий равишда кучли позицияларни эгаллаб олган эди. Шу билан бирга, «Sirs» ўз фаолиятининг қисқа муддатда фойдаланувчи товарлар билан боғлиқ қисмини модернизация қилиш заруриятига кам эътибор қаратар эди. Нархларни тушириш

йўли билан савдони жонлантириш уринишлари савдо ҳажмининг сезиларли даражада кўтарилишига олиб келди, лекин бир томондан, фойданинг камайишига ҳам олиб келди. «Sirs» фирмасининг президенти Жером Росоунинг фикрига кўра: «Агар «Sirs» яшашни хоҳласа, ҳали уни кенгайтириш тўғрисида гапирмаганда, унда биз тезроқ ҳаракат қилишииз керак эди. Бизнинг савдо базамизни кўтаришга, фойдалиликни яхшилашга ва «Sirs» ни унинг анъанавий кучли томонларидан фойдаланиб бўладиган янги ривожланаётган тармоқларга ўтказишга вақт келди».

Бошқа бир қатор ўзгаришлар билан бирга, «Sirs» раҳбарияти фирма фаолиятини диверсификация қилишга ҳамда тадбиркорликнинг янги соҳаларига кириб боришга қарор қилди. Диверсификация йўналишида янги интилишларни қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилган биринчи ҳаракатлардан бири стратегик режалаштириш бўйича корпоратив қўмитанинг тузилиши бўлди. Бу қўмитанинг таркибига савдо, суғурта ва кўчмас мулк бўлимларининг раҳбарлари кирдилар.

Муҳокамаларнинг бошида компаниянинг келажақдаги ривожланишига қаратилган катта келишмовчиликлар бўлиб ўтди. Айрим раҳбарлар компания ўзининг анъанавий тармоғига, яъни чакана савдо соҳасига қолишига керак деб ҳисоблашсалар, бошқа раҳбарлар эса фаолиятни истиқболли тез ривожланувчи тармоқларга кенгайтиришини хоҳлашарди, масалан, телеалоқа ва уйлар учун дам олиш дастурлари. Кўпгина қўмита аъзолари қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган диверсификация стратегиясини ишлаб чиқиш учун қўмита ўрганиш ва баҳолашнинг тизимли жараёнини ишлаб чиқди.

Бу жараён бутун тармоқларни, уларнинг ўсиши ва фойдаси бўйича потенциал имкониятларини юзага чиқариш мақсадида, ўрганишга асосланган эди. Жараён шундай таҳлилни ҳам ўз ичига олган эдики, қандай қилиб «Sirs» ўзининг специфик кучли элементларини, яъни репутацияси, маркетинг ёки молиявий қувватини янги бизнесга кирита олади. Қўмита тармоқнинг катталигига, сотув ва фойданинг потенциал ҳажмига, «Sirs» асосий омил бўла оладиган зарурий вақт оралиғига оид бўлган мўлжалларни аниқлаб олади. Бундан ташқари, янги бизнес истеъмолчига мўлжалланган бўлиши керак ҳамда шундай бўлиши керакки, унда «Sirs» нинг номи ва репутацияси рақобатда унинг фарқланиб турувчи белгиси бўла олсин. Ва ниҳоят, ушбу бизнес бутун мамлакатда жойлашган юзлаб чакана савдо магазинлари ёрдамида миллий даражада амалга ошириладиган бирон нарса бўлиши керак.

Айнан мана шундай тизимли ҳаракатлар «Sirs» фирмасининг қарорини истеъмолчилар учун кўрсатиладиган молиявий хизматларга йўналтиришга олиб келди ва бу ҳозирги пайтда «Sirs Financial Network» («Sirs» молиявий тармоғи) деб номланади. «Sirs» фирмаси истеъмолчиларга молиявий хизмат кўрсатишни ташкил қилишда кўпгина белгиларга эга бўлган: кредит карточкаларини ҳисобини юритиш билан бирга ўзининг 26 млн. актив счётлари мавжуд бўлган ва унинг таркибига «Allstate Insurance Company» фирмаси кирган. Қўмитанинг ҳаракатлари «Dean Witter and Colduel Banker» фирмасига эга бўлишга ҳамда мижозлар томонидан яхши қабул қилинган «Discover» карточкасини жорий қилишга олиб келди, бунда магазинлар бўйича тарқатиш каналларидан фойдаланилади.

1. Нима деб ўйлайсиз, «Sirs» фирмаси ўзининг миссиясини ўзгартирдими?
2. Стратегик режалаштириш қўмитаси аъзоларининг қадриятлари диверсификацияга бўлган уларнинг муносабатларига қандай таъсир қилди?
3. Раҳбарият бўйича «Sirs» фирмасининг асосий кучли томонлари бўлиб нималар хизмат қилади?
4. «Sirs» фирмаси қандай стратегик альтернативани танлаган?
5. Диверсификация режасини ишлаб чиқиш пайтида стратегик режалаштириш қўмитаси томонидан қўлланилган жараён тўғрисида нима деб ўйлайсиз?

Гуруҳлар учун 2 - топшириқ. 1 гуруҳ

Бизнес ўйин

Реклама компаниясини режалаштириш ва унинг стратегияси

Унча катта бўлмаган шаҳарда охириги бир неча йил давомида иккита «Лола» ва «Ева» косметик дўконлари ишлаб келмоқда.

«Лола» дўконининг стратегияси қуйидагича ифодаланади:

«Модала тажриба қилишни яхши кўрадиган ва кўриниши зўр бўлишини истаган ёшлар учун, «Лола» салони ҳар доим ўта замонавий косметика ва макияж курсини эшитиш имкониятини бериш учун Салон бекаси ўз реклама компаниясини «Лола» - шу ёзнинг рок-шлягери» шиори остида барпо этади.

«Ева» дўкони эса умуман бошқа қоидага риоя қилади:

«Аёллик ҳуснини янада чиройли бўлиши учун «Ева» салоида Сиз косметологларнинг маслаҳат ва энг янги натижаларини топишингиз мумкин».

Иккала салон дўконлари ёз мавсум йиллигида рекламага бир хил суммани сарфлашади – 500 минг сўмдан. Бу суммадан ҳар иккаласи 100 минг сўм (реклама бюджетининг 20 %) ни рекламани ишлаб чиқишга, матнларни ёзишга ва мутахассисларнинг иш ҳақини тўлашга ажратилади.

Қолган 400 минг сўмни «Лола» 3.1-жадвалда кўрсатилгандек тақсимлади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Икки магазин-салоннинг стратегияларининг фарқи нимада? Уларнинг мижозлари нима билан фарқланди?
2. «Ева» магазинининг мақсадли имиджи қандай бўлиши мумкин?
3. «Ева» магазини рекламаларини нимага қаратиш мумкин?
4. «Ева» магазини учун рекламалар режасини тўзинг.

1-жадвал

«Лола» салонининг реклама бюджети

Реклама тарқатувчиси	Реклама фаоллиги параметрлари	Қиймати, сўм
«Радио-грант» радиостанцияси	240 реклама эълонлари	1200
«Программа II» (хит-парад)	160 реклама эълонлари	800
Радио «Пульс» (хит-парад)	60 реклама эълонлари	600

Маҳаллий ёшлар газетаси	Ҳар бири 0,5 бетли имтиёзли ҳарид учун кўпонли, 4 эълон	400
Ёшлар газетаси (бошқа фирмалар ёрдамида)	Маҳсулот намуналарини тарқатиш ҳомийлик ёймаси (ярмарка)	1000

2- гуруҳ

Таҳлил учун ҳолат

Levis Strauss нинг фирмалари.

1850 йилда, бавариялик эмигрант Levis Strauss, Калифорниянинг олтин қидирувчиларга бўздан қилинган ишларни сотди. У Америка ҳаётида катта ўрин эгалловчи джинси матосини яратди. Фирманинг номи эса *Levis Strauss* бўлиб, у кўп йиллар ичида джинси ишлаб чиқарди. 50-йилларнинг бошларида ва 70-йиллар охирида, қачонки демографик портлаш содир бўлганда Американинг бутун халқи янада ёшариб кетди ва джинси сотиш осон бўлди. Levis ва бошқа джинси чиқарувчиларнинг ўз режасидан камида 10-15 % кўп ўсиб борди. Levis Strauss компанияси етарли джинси ишлаб чиқарди. Ўша пайтда 18-24 гача бўлган ёшлар қисқариб, джинси инсонлардан анча қаришдан четга чиқиб кетди. Бироқ 80-йилларга келиб демографик портлашда туғилган ёшлар қариб борди, улар баъзида джинси киядиган бўлишдан узоқлашди. Шундай қилиб Levis Strauss компанияси қоқилди ва яна жаҳон бозорида ўрин эгаллаш учун курашди.

Levis Strauss компанияси қисқартирилишига қарамасдан у ўз джинси бизнесига содиқ қолди. Компания реклама учун кўп харажат қилганлиги сабабли харажатни қоплайдиган кўпроқ фойдага интилар эди. Бу тактика қўл келмаганлиги сабабли, компания замонавий ва махсус кийимлар ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Компания 75 хил турдаги моделларни ишлаб чиқарди.

1984 йилга келиб компания қуйидаги турдаги бўлимларни ўз ичига олди:

Классик джинсилардан, эркак кишиларнинг бош кийимларидан тортиб, чанғи учиш спорт кийими, аёлларнинг синтетик колготкаси ва ҳатто ҳомиладор аёлларнинг соф пахтадан тайёрлаган кўйлаклариғача ишлаб чиқарди.

«Inc» журналидаги мақолага қараганда, бир неча йиллар мобайнида Levis Strauss гуллаб борди, битта стратегиясига асосланган ҳолда иш олиб борди. Фақат джинсига асосланган ҳолда. У ҳар бир маҳсулотига машҳур Levis Strauss номини танлади. Масалан, энг замонавий либослардан тортиб то аёлларнинг синтетик колготкасиғача. Оқибатда компания ҳалокатга учради. Бир йилги даромадининг 79 % ни йўқотди ва 5000 та ишчи қисқартирилди.

1985 йилга келиб компанияни қутқариш учун жудаям мустаҳкам, пухта ўйланган режа асосида олиб борилди. Компания бир қисмини сотиб, у яна джинси ишлаб чиқаришга киришди. Бошида Levis ишлаб чиқарилган асосий маҳсулотларига модель 501 деди.

Компанияни 38 миллион доллар қизиқтирар эди. Чунки у «501 blues» деб ном олган бўлиб, компания рекламага шунча маблағ ажратган эди. Ҳали ҳеч қайси буюк компания ҳам бунча кўп пулни бир модель учун қўймаган эди, кўп анологик бундан ҳатто ҳайронга тушишди. Булардан бири шундай деган эди. «*Қандайдир бир джинси учун бунча пулни қўйиши, ўзи бўлмайди*». Бироқ реклама компанияси «501 blues» компаниянинг бутун маҳсулоти ҳақида эди. Пухта ишланган рекламага кўра

модель 501 кейинги 6 йил вақтда жуда тез ўсди. Компания джинсини тўқ ҳаво, кўк рангини асос қилинган деб олиб, янги моделлар устида ишлади.

1986 йилнинг охирига келиб Levis Strauss янги «докерлар» (Dockers), жудаям қулай бўлган ёши катталарга мўлжалланган янги моделни кашф этди. Бу модель кутилгандан ҳам яхшироқ натижа берди. Одамларда қизиқиш уйғотилиб, ишончни оқлади. «Докерлар»ни нафақат катталар, балки уларни фарзандлари ҳам сотиб олишди.

Ҳар бир америка кишиси учун ҳеч бўлмаганда шундай шимдан бир жуфт бўлиши керак эди. Чунки у ҳар хил учрашувлар учун жуда қулай, етарли даражада гўзал эди.

Levis Straussнинг янги моделлари бозорда бошқача ўрин тута бошлади. Масалан, 1991 йили компания джинси реклама стратегиясига эга бўлди, аёллар учун ишлаб чиқарилган бўлиб, 3 йиллик реклама компанияси учун 12 миллион доллар бўлиб, «Аёллар учун джинси» деб номланган эди.

Лекин ҳамма қизиқарли воқеалар жаҳон бозорида бўлар эди.

Ҳозирги вақтга келиб Levis Strauss Американинг асоси, муҳим либос яратувчисига айланди. Унинг стратегияси шундай эди: «*Пухта ўйлаб, тез ҳаракат қиларди*». У халқаро маркетинг доирасидаги системани яхши олиб борар эди. Иккинчи марта йилига Levis Strauss компанияси зўр менежерларни йиғди, унинг мақсади, ишлаб чиқариш ва реклама учун фикр алмашиш. Европадаги бўлимларида Levis Strauss швед филиаллари орқали Европа бозорини эгаллашмоқчи эди. Компания бу билан шуғулланиб, жаҳоннинг энг зўр рекламасини яратди.

Компанияни кузатувчилардан бири шундай деган эди: Levis Strauss учун, пухта ўйлаб иш юритиб янги бозорларни эгаллаш шундай осонки, ҳақиқий, қулай, замонавий Levis ни кийганга тенгдир.

Муҳокама учун саволлар

1. Levis Straussни диверсификация стратегиясини қўллашга нима мажбур қилди?
2. Шундай вазият Levis Straussни ўз стратегиясини глобал миқёсда ҳам қўллашга мажбур этадими?
3. Levis Strauss компанияси учун SWOT таҳлилни ўтказинг ва уни компания учун қўлланишини изоҳлаб беринг.
4. Ушбу мисол учун компаниянинг ҳаракатини ифодалаш учун маҳсулот бозор ривожланиш матрицасини қўлланг.
5. Компаниянинг кучли томонларидан фойдаланиш учун Levis Strauss миссиясини қандай белгилаш керак?
6. Levis Straussнинг хорижий шаҳобчаларини компания бизнесининг стратегик элементлари ҳисоблаб, унинг учун BCG матрицасини сиз қандай тақдим этган бўлар эдингиз?

Мавзу 11. Менежмент стратегияси. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Стратегия нима ва унинг қандай турларини биласиз?
2. Корхона миқёсидаги стратегия қандай бўлиши мумкин?
3. Стратегик бошқарув деганда нима тушунилади?
4. Стратегик режа деганда нима тушунилади?
5. Миссия нима, ташкилот қандай қилиб ўз миссиясини танлайди?
6. Нима учун ташкилот турли хилдаги мақсадларга эга бўлиши керак?
7. Стратегик режалаштириш жараёнида ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилишдан мақсад нима?
8. Стратегияни танлаш деганда нимани тушунаси?
9. Стратегик муқобил нима ва унинг қандай турларини биласиз?
10. Стратегик муқобилни режалаштириш ва баҳолашда қандай услубий ёндашувлар қўлланилади?
11. Стратегик режани амалга ошириш жараёнини қандай тавсифлайсиз?
12. Тактика, сиёсат, процедура ва қоидалар нима учун ишлаб чиқилади?

Таянч иборалар: стратегия, стратегик бошқарув, стратегик режалаштириш, стратегик режалаштириш жараёни, миссия, мақсадлар, иқтисодий омиллар, сиёсий омиллар, бозор омиллари, технологик омиллар, халқаро омиллар, рақобат омиллари, ижтимоий омиллар, бошқарув тадқиқоти, ташқи муҳит таҳлили, ўсиш стратегияси, қисқартириш стратегияси, аралаш стратегия, стратегик альтернативалар, тактика, сиёсат, процедура, қоида, бюджетлар, миқдорий мезонлар, сифатий мезонлар.

Мавзуга оид тестлар.

1. Стратегик қарор

- А) бир хил муаммога дахлдор бўлиб, барча бугин раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилади
- В) тор доирадаги муаммога таалукли бўлиб, корхонанинг муайян бир бўлими ёки бир гуруҳ ходимлар юзасидан қабул қилинади
- *С) юқори бошқарув органлари томонидан тўб ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадларида қабул қилинади
- Д) корхонанинг жорий, тезкор режаларига мос келади
- Е) қуйи бугин раҳбарлари томонидан уз лавозимлари доирасида ишлаб чиқилади.

2. Стереотип қарорлар – бу

- А) новаторларча, мазмунига кўра истиқболли бўлган қарорлардир.
- В) раҳбар фаолияти катъий равишда йуриқномалар, меъёрий ҳужжатлар доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда қабул қилинадиган қарорлардир
- С) одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир
- Д) таваккал билан чала ахборотга асосланиб қабул қилинадиган қарорлардир
- Е) ташаббусли қарорлардир.

3. Қуйида қайд қилинган босқичларнинг қайси бири стратегик режалаштиришнинг туртинчи босқичи бўлиб ҳисобланади?

- А) ташқи муҳитни таҳлил қилиш

- В)кучли ва кучсиз томонларни таҳлил қилиш
- С)стратегияни баҳолаш
- Д)стратегияни амалга оширишни бошқариш.
- *Е) муқобил вариантни таҳлил қилиш ва стратегияни танлаш.

4. Куйида кайд килинган боскичларнинг қайси бири стратегик режалаштиришнинг биринчи боскичи бўлиб ҳисобланади?

- А)ташки муҳитни таҳлил қилиш.
- *В) ташкилот миссияси ва мақсадларини ишлаб чиқиш.
- С)стратегияни баҳолаш
- Д)стратегияни амалга оширишни бошқариш
- Е)муқобилни таҳлил ва стратегияни танлаш.

5. Стратегик режа – бу

- *А)бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу йусинда яхши фойда топишни уюштиришга қаратилган фаолиятдир;
- В)корхона фаолиятидаги жорий ва қисқа муддатли тадбирни маълум тартибга ва қонун-қоидаларга солиб турувчи режалардир;
- С)давлат томонидан корхонага узок даврга берилган топширик, режадир;
- Д)юқори фойда ва рентабеллика эришиш мақсадида маҳсулотни сотишни ташкил этиш бўйича махсус ишлаб чиқилган режа
- Е)келиб муаммонинг олдини олиш учун амалга ошириладиган тадбир.

6. Амал қилиш даврига қараб қарорлар-қарорларга бўлинади

- А)социал ва иқтисодий
- В)техник ва технологик
- С)анъанавий ва ташаббусли.
- *Д) стратегик ва тактик
- Е)яккабошчилик ва коллегиял .

7. Аралаш стратегия


- А)асосан технологияси барқарор бўлган корхона раҳбарлари танлайди
- В)технологияси тез-тез ўзгариб турадиган ва иқтисоди тез суръат билан усаётган корхона раҳбарлари танлайди
- С)корхона иқтисодий таназзулга учраган даврда танланади
- Д)янги тармоқларда иш бошловчи корхоналар қўллайд
- *Е)жуда кўп тармоқларга кириб борган диверсификацион корпорацияларда танланади.

8. Менежментнинг режалаштириш функцияси – бу

- А) Ташкилот истиқболини ижодий белгилаш.
- В) Бошқарув поғоналари ва функционал соҳаларининг ўзаро муносабатларидаги ўзвийлигини таъминлаш
- С) Корхона ва алоҳида шахснинг мақсадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб қилиш жараёни
- Д) Иш натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш

Е) Ишловчиларни рағбатлантириш

Мавзуга оид кроссворд.



Буйига: Маркетинг турларидан бири.

5. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг беллашуви кураши.

Энига: 2. Стратегия турларидан бири.

3. «Генералнинг санъати» маъносини берувчи атама.

4. Корхонанинг моддий таъминлаш бўлими.

6. Бозор ҳолатини ўрганиш ва олдиндан баҳолаш.

1. Синхромаркетинг

2. Функционал

3. Стратегия

4. Молия

5. Ракобат

6. Маркетинг.

Мавзуга оид масалалар.

1. Масала.

Куйидаги ҳолатларда бошқаришнинг қайси принциплари талаблари бажарилмаяпти:

А) жамоанинг (коллективнинг) барча азолари манфатларини кузловчи умумий қарорларни қабул қилишда оахвор бшш мутахасислар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан маслаҳатланмайди.

Б) корхонага янги директор тайинланган у аввал ушбу ташкилотда ишламаган унинг пасду-баландидан беҳабар булганлигидан ташкилотда маънавий-руҳий ҳолат кескин емонлашган.

Мавзуга оид саволлар.

1. Стратегик режа денагда нимани тушунаси.
2. Корхона ва мақсад ва вазифалари стратегик режа билан қандай боғлиқ.
3. Стратегияни танлаш деганда нимани тушунаси.
4. Нима учун стратегик режалаштиришда ички ва мухитни таҳлил қилиш зарур.
5. Стратегияни амалга ошириш жараёни қандай бошқарилади.
6. Ташкилот бурчи деганда нимани тушунаси.
7. Процедура ва қоидалар нима учун керак.

Мавзу 12. Менежментда назорат ва мотивация. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Бошқарувда назоратнинг ўрни қандай?
2. Назорат функциясини тавсифланг.
3. Назоратнинг қандай турлари мавжуд?
4. Тесқари алоқа билан қўлланиладиган назорат деганда нима тушунилади?
5. Самарали назорат нима билан характерланади?
6. Мотивацияга таъриф беринг?
7. Мотивлаштириш деганда нимани тушунаси?
8. Эҳтиёжлар қандай тавсифланади?
9. А. Маслоунинг мотивлаштириш назарияси нимага асосланади?
10. Кутиш ва адолатлилик назарияларининг моҳияти нимада?
11. Адолатлилик назарияси қандай ҳатти-ҳаракатга асосланган?
12. Мотивациянинг Портер-Лоулер моделини тасвирлаб беринг.

Таянч иборалар: назорат, назорат функцияси, дастлабки назорат, жорий назорат, якуний назорат, стандартлар, самарали назорат, мотивация, қамчин ва кулча усули, мотивациянинг мазмунли назариялари, жараёнли назариялар, эҳтиёжлар, бирламчи эҳтиёжлар, иккиламчи эҳтиёжлар, интилиш, мукофотлар, ички мукофот, ташқи мукофот, Маслоу бўйича эҳтиёжлар иерархияси, МакКлеланднинг эҳтиёжлар назарияси, Герцбергнинг мотивация-гигиена назарияси, кутишлар назарияси, адолатлилик назарияси, Портер-Лоулер модели.

Мавзуга оид тестлар.

1. Менежментнинг назорат қилиш функцияси – бу

- А) ташкилот истиқболини ижодий белгилаш
- В) бошқарув поғоналари ва функционал соҳаларининг ўзаро муносабатларидаги узвийлигини таъминлаш
- С) корхона ва алоҳида шахснинг мақсадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб қилиш жараёни
- Д) Иш натижаларини миқдори васифат жиҳатдан баҳолаш.
- Е) ишловчиларни рағбатлантириш.

2. Бошқарувда назорат нима ?

- А) Назорат бошқарув жараёнининг якунловчи босқичи.
- В) Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни.
- С) Ташкил этиш, раҳбарлик қилиш.

- D) Назорат ахборотлар манбаи
- E) Назорат қарорларини қабул қилиш.

3.Назоратни утказиш вақтларига қараб нечта турга бўлинади ?

- A) Уч турга;
- B) Тўртта турга;
- C) Беш турга;
- D) Икки турга;
- E) Барчаси тўғри.

4.Назоратнинг асосий турларини утказиш вақти.

- A) Жорий назорат;
- B) Орalik назорат;
- C) Назорат олди ва жорий;
- D) Жорий, орalik , якуний.
- E) Якуний назорат.

5.Мотивлаштириш-бу

- *A)руҳий омил бўлиб, шахс фаоллигининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар турли эҳтиёжларидир;
- B)ҳодимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи воситадир;
- C)кишилар фаолиятини руҳий йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир;
- D)ишловчиларни раҳбарларга бўйсундириш усулидир
- E)меҳнатга жалб қилишнинг мажбурий усулидир.

6.Фредрик Герцбергнинг мотивация назарияси:

- *A)мотивацион гигиена назарияси деб юритилади;
- B)эҳтиёжлар иерархияси назарияси деб юритилади;
- C)«гигиеник омиллар» назарияси деб юритилади;
- D)кутиш назарияси деб юритилади;
- E)адолатлилик назарияси деб юритилади.

7.Қуйида қайд қилинган эҳтиёжларнинг қайси бири биламчи эҳтиёжларга киради.


- A) Физиологик эҳтиёжлар
- B) Ижтимоий эҳтиёжлар
- C) Маърифатга бўлган эҳтиёжлар
- D) Маънавиятга бўлган эҳтиёжлар
- E) Узликни англашга бўлган эҳтиёжлар

8.Америкалик руҳшунос А. Маслоунинг мотивация назарияси

- A) боисий тозаланиш назарияси
- B) эҳтиёжлар устунлиги назарияси деб юритилади
- C) гигиеник омиллар назарияси
- D) кутиш назарияси
- E) адолатлилик назарияси.

9.X (икс) назарияси бўйича


- А) ишчилар ишлашни хохламайди
 Б) ишчилар жавобгарликдан кочадилар
 С) ишчилар табиатдан ялков ишёкмас бўладилар
 Д) ишдан коникиш ҳосил қилган бўладилар
 Е) Нотўғри жавоб йўқ.

Мавзуга оид 1 – кроссворд

1. Корхона уставида бўлиш керак булган хислатлардан бири.
 2. Менежмент ривожланишига хисса кушган омиллардан бири.
 3. Ривожлантириш вазифаси нечта муҳим саволга жавоб излайди.
 4. Бошқарувда фаолиятни шаклларида бири.
 5. Менежментнинг асосий вазифаларидан _____
 6. Менежментнинг асосий вазифаларидан бири?
1. Халол
 2. Гилберт
 3. Учта
 4. Хавфсизлик
 5. Бешта

6. Назорат

2 - кроссворд.



Буйига: 1. Мотивлаштириш воситаларидан бири. 3. Одамларни ҳаракатга келтирувчи, кузгатувчи мотив.

Энига: 2. Эҳтиёжлар устунлиги назариясини яратган америкалик олим.

1. Тарихийлигига кура эҳтиёж туридан бири.
2. Инсоний муносабатларни мотивлаштириш моделини яратган америкалик олим
3. Рухшунос В. Врули яратган назария.
 1. Рағбатлантириш,
 2. Маслоу,
 4. Эҳтиёж,
 5. Уткинчи
 6. Майо,
 - 6.Якка.

Мавзуга оид масалалар

1.Масала.

Ушбу ҳолатда раҳбарни уз фаолияти давомида мувофақиятсизликларни учрашини туртта сабаби кўрсатилган:

- А) Улар маоши кўпроқ булган лавозимга интиладилар.
 - Б) Улар энг аввало шахсий манфаатларини кузлайдилар
 - В) Улар узларини бошқалардан ажратиб туришга интиладилар
 - Г) Улар узларининг уйлари ва хис туйғуларини яширадилар.
- Юқорида кайд этилган сабабларни олдини олиш йулларини кўрсатинг.

2. Масала.

Корхона директори кейинги ойга маҳсулот чиқаришни тўғри йулга қуйиш мақсадида ишлаб чиқариш бўлимига, жорий ойнинг тайёрлаб беришни суради.

Маълумотни тайёрлашда қуйидагини камчиликларга йул қуйилган:

1. Уша маълумот директориға етти кундан кейин келтириб берилган;
2. Маълумотда барча маҳсулотлар камраб олинган.
3. Маълумот тартибига солинмаган.

Юқоридаги камчиликлар қабул қилаётган қарорнинг сифатига қандай таъсир қилади.

Мавзуга оид саволлар.

1. Бошқаришда назоратнинг урни қандай ?
2. Тесқари алоқа билан қўлланиладиган назорат нима ?
3. Назорат жараёни қайси босқичларга бўлинади ?
4. Назорат ва ривожлантириш орасидаги боғлиқлик нимадан иборат ?
5. Назорат учун қўлланиладиган стандартнинг ажралиб турадиган хусусияти нимадан иборат ?
6. Мотивлаштириш деганда нимани тушунасиш.
7. Эҳтижлар қандай тавсифланади.
8. Мотивлаштириш воситасида бошқаришнинг узиға хос хусусияти нимада.
9. Мотивлаштириш назарияси моҳияти нимада.
10. иқтисодий ва ноиқтисодий мотивларға нималар қиради.
11. Мотивлаштириш стратегиялари ва усуллари тўғрисида тушунтириб беринг.

Мавзу 13. Персонални бошқариш. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Ходимлар ва уларни бошқариш деганда нима тушунилади?
2. Ходимларни бошқариш қандай тамойилларға асосланади?
3. Гуруҳлар хусусиятини санаб беринг.
4. Гуруҳ самарадорлиғига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Лидерлик нима?
6. Лидерлик муаммосини ўрганишдаги асосий ёндошувларни айтинг.
7. Ҳокимиятға таъриф беринг.
8. Ҳокимиятнинг қандай кўринишларини биласиз?
9. Харизма нима ва уни раҳбарлар қандай қўллашади?
10. Ишонтиришнинг қандай кучли ва кучсиз томонлари мавжуд?
11. Қандай таъсир инструментлари раҳбарға ишонтириш орқали таъсир қилишға ёрдам беради?
12. Иштирок орқали таъсир кўрсатиш қандай амалға оширилади?

Таянч иборалар: меҳнат ресурслари, ишчи кучи, меҳнат мунособатлари, ишчи малакаси, гуруҳ, лидерлик, лидерлик назариялари, лидерликка ахлоқий ёндашув, қониқиш ва унумдорлик, адаптацион бошқарув, ҳокимият, таъсир.

Мавзуга оид тестлар.

1. Хокимият конун чиқарувчи юқори органини айтинг.

- а) Республика Президенти.
- б) Вазирлар Махкамаси.
- в) Олий Мажлис.
- г) Олий Кенгаш.

2. Хокимият ижрочи олий органини айтинг .

- а) Олий Мажлис,
- б) Олий хўжалик суди,
- в) Вазирлар Махкамаси Раиси ,
- г) Конституцион суд.

3. Республика Куролли Кучлар бош кумондони ким ?

- а) Мудофа вазирлиги,
- б) Президент,
- в) Вазирлар Махкамаси Раиси,
- г) Бош вазир

4. Канституцион Судни ким сайлайди ?

- а) Республика фукаролари,
- б) Олий Мажлис,
- в) Вазирлар Махкамаси,
- г) Президент томонидан белгиланиди .

5. Республика фукароларини ҳуқуқларини химоя қилиш кафолатини ким олган ?

- а) Вазирлар Махкамаси,
- б) Олий Мажлис,
- в) Президент,
- г) Конституцион суд.

6. Аниқ шахсий мақсадларга эга булган инсон.

- а) узига ишонган,
- б) уз мақсадлари муваффақиятини режелаштирмайди,
- в) уз ривожланиш имкониятларини ўрганади,
- г) куйилган мақсадлар йўналишини ўзгартиришга мойил.

7. Аниқ бўлмаган шахсий мақсадларга эга булган инсон.


- а) олдида тўрган масалаларни ойдинлаштириш ,
- б) уз ҳаракатларига катъий риоя килади ,
- в) уз имкониятларини баҳолашга боъэктив ёндашади,
- г) уз мақсадларининг ютишни режелаштирмайди.

8. Жамоа:

- а) инсонлар мажмуи,
- б) бир мақсадли мураккаб таркибий тузилма,

- в) инсонларнинг махсус гуруҳи,
г) расмий тузилма.

Мавзуга оид кроссворд.



Энига: -1. ишлаб чиқаришнинг қайси бугинида бошқарувчи объектга ишчиларнинг иш жойлари киради

2. маҳсулотнинг қайси жихатини бошқаришда буюмларни истемолчилар талабларига бутунлай мос келадиган ишлаб чиқариш фаолиятини тушунамиз.

Буйига: -1. Ишчилар буюмларни бошқариш нуктаи назаридан –бу нима .


2. Ишчилар кишиларни бошқариш нуктаи назаридан –бу нима.

Жавоблар : Энига: 1. участка .

2. сифатини .

Буйига: 1. субъект .

2. объект .



1. Кредит-молия муассаси.

2. Карзни кайтариб бериш кафолатига куйилган куйилган мулк.

3. Кохона фаолиятини пулларда ифодаловчи бўлим.

4. Пулсиз бевосита товар айирбошлаш.

5. Иқтисоднинг асосий муаммоларини умумжамият назаридан ўрганувчи бўлим.

6. Давлат томонидан корхоналарда бериладиган топширик.

7. Пул маблагларини келишилган истама тулов кайтариб бериш шarti билан маълум му карзга бериш.
1. Банк
2. қарор
3. бухгалтерия
4. даромад
5. макроиқтисодиёт
6. буюртма
7. кредит

Мавзуга оид саволлар.

1. Республикада жамоа тарзи нималар асосида ривожланади?
2. Олий мажлисининг муҳим ваколатларини санаб утинг.
3. Республика президентлигига кимлар сайланиши мумкин?
4. Республика суд ҳокимияти қандай ҳуқуқларга эга?

Мавзу 14. Руҳий зўриқишни бошқариш. 2 соат

Муҳокама учун саволлар:

1. Ихтилоф нима ва уни қандай бошқариш мумкин?
2. Ихтилофларни бошқариш усуллари нима санаб беринг.
3. Низо нима ва унинг келиб чиқиш сабаблари нимада?
4. Низонинг қандай турларини биласиз?
5. Функционал ва дисфункционал низоларнинг оқибатларини айтинг.
6. Низоли вазиятларни бошқаришнинг қандай самарали усуллари биласиз?
7. Стресс нима ва унинг асосий сабаблари нимада?
8. Стресс қандай бошқарилади?
9. Д.Карнеги хотиржамликка эришиш тўғрисидаги фикрлари ҳақида нима дея оласиз?
10. Доноларнинг асабийлик ҳақидаги фикрларини баён этинг.

Таянч иборалар: ихтилоф, келишмовчилик, низо, функционал низо, дисфункционал низо, очиқ низолар, ёпиқ низолар, шахслараро низолар. ўзгаришлар, стресс.

Мавзуга оид тестлар.

1. Мажорони кўпинча жаҳл, дук-пуписа, товушлар билан аралаштирадilar:

- а) бу ходиса доимо кераксиздир,
- б) мажорони иложи борида четлаб утиш керак,
- в) мажорони тугилиши билан бартараф этиш керак,
- г) мажоро нафақат муҳим, балки кераксиздир.

2. Мажороларнинг асосий сабаблари:

- а) мақсадларга, бойликларга фарқлар, ресурсларга чегараланганлик,
- б) билим даражасидаги, узини тутишдаги ва ҳаёт тажрибасидаги фарқлар,
- в) паст сифатли ахборотлар, зарурий кўрсатмалар йўқлиги, узини тутиш маданияти пастлиги,
- г) ҳаммасини биргаликда олганда .

3. Можарони хал қилишнинг энг макбул йули:

- а) огиш ёти текслаш,
- б) мажбурлаш,
- в) компромисс (келишув),
- г) муаммони ечиш.

4. Стресснинг асосий сабаблари:

- а) чарчок, келишмастлик,
- б) ишчига жиддий сабаблар куйилиши, ролларнинг ноаниқлиги,
- в) кизикарсиз иш, шахсий омиллар,
- г) барчаси биргаликда.

5. Стресс даражасини тушунтириш учун нима қилиш керак:

- а) спрот билан шугулланиш,
- б) чекиш ёки муносабатлар урнатиш,
- в) яккаланиш, жимгина кийналиш,
- г) меҳнат ва дам олиш тизимини ишлаб чиқиш, хордик чиқаришнинг ўрганиб олиш.

6.Куйидагиларнинг қайси бири низо эмас?

- А)ўзаро келишмовчилик ёки карама-каршилиқ, душманлик, адоват орқасида тугилган ҳолат, муносабат, ихтилоф, нифок
- В)тортишиш, баҳс
- Д)асабларнинг кузгалиши билан боғлиқ бўлган ҳолат
- Е)хиссий зуриқиш


7. Ички шахсий низолар – бу

- А)шахсларнинг гуруҳ билан келишмовчиликни билдиради
- *В)мохияти жихатидан бир хил, лекин сабаблари, эҳтиёжлари, кизиқишлари карама-карши бўлган шахснинг иккиланиши
- С)гуруҳларнинг ўзаро келишмовчиликни билдиради
- Д)бўлимлараро келишмовчилик билдиради
- Е)ишчи ва раҳбар орасидаги келишмовчиликни билдиради.

8. Гуруҳлараро низоларга мисол қилиб

- А)шахсларнинг гуруҳ билан келишмовчиликни келтириш мумкин;
- В)мохияти жихатидан бир хил, лекин сабаблари, эҳтиёжлари, кизиқишлари карама-карши бўлган шахснинг иккиланишини келтириш мумкин;
- *С)гуруҳларнинг ўзаро келишмовчиликни келтириш мумкин;
- Д)бўлимлараро келишмовчиликни келтириш мумкин;
- Е)икки рақобатчи фирмалар орасидаги келишмовчиликни келтириш мумкин

Мавзуга оид кроссвордлар



Буйига: 1. Низони олдиниолиш ёки зиддиятни юмшатиш усулларида бири.

2. Низонинг асосий 4 туридан бири

6. Ўзаро келишмовчилик, карама-каршилиқ, душманлик ёки нифок.

7. Стреснинг физиологик сабабларидан бири

8. Стреснинг сабабларидан бири

Энига: 5. Оқибатга кура низо турларидан бири

6. Низо келиб чиқиш сабабларидан бири

7. Стреснинг руҳий сабабларидан бири

Жавоблар:

Буйига: 1. Келишув. 2. Гуруҳлараро

3. Низо. 4. Асабийлик. 8. Астма.

Энига: 5. Деструктив. 6. Кайсарлик

8. Нафрат.

Мавзуга оид масалалар

1. Масала. Қуйидаги ҳолатларда корхонанинг иқтисодий эркинлиги таъминланадими?

А) агарда ташкилотга хўжалиқ режаларининг айрим кўрсакичлари юқори ташкилот ёки муниципал органлар томонидан белгиланса

Б) иқтисодий рағбатлантириш фондларини шакллантиришда ташкилотга меъёрлар юқоридан белгиланса.

2. Масала.

Фараз қилайлик узингиз учун уринбосар танлашингиз керак. Бир қатор номзодлар мавжуд. Даъвогар (номзод)лардан ҳар бири буйсинувчилар билан ўзаро муносабатларда қуйидаги хусусиятлар (сифатлар) билан ажралиб туради:

А) Биринчиси, одамлар билан бўладиган низолардан қочишни (четлаб утишни) афзал қуради ва аввало илиқ, дустона қайфиятли муҳитни яратишга ҳаракат қилади. Бу билан буйсинувчиларнинг ҳамжихатлик билан қилинадиган ҳаракатлари ишларнинг муваффақиятли чиқишига эришади.

Б) Иккинчиси, ишга эътибор берган тарзда одамлар билан низоларга боради, куйилган мақсадга эришиш учун шахсий муносабатларни «бузиб куйиш» дан куркмайди.

В) Учинчиси, уз ҳуқуқи ва шунга буйсунувчилардан ҳам талаб шуни килади, ишнинг аниқ бажарилишига эришади.

Г) Туртинчиси, иш юзасидан ва ташкилий масалалар бўйича уз билан ўзаро муносабатдаги низолар тушунмовчиликларга унчалик катта аҳамиятга бермасдан куйилган мақсадга эришади.

Д) сизнинг вариантингиз.

3.Можаро ва стрессларни бошқариш

Терминлар танлаш:

Хар қайси А- устундаги терминга мос Б- устундаги таърифни танланг.

А	Б
1. Мажаро (конфликт)	А) томонлар (гуруҳлар) уртасидаги келишув йўқлиги, масалан, касаба ушмаси ва маъмурият, чизикли ва функционал ходимлар уртасида.
2. Ички кечувчи можаро	Б) бу бир кишига карама- карши вазифалар берилиши ва ундан натижаларни жиддий талаб қилиш.
